



Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Усмонхон Алимов шу йил 22–25 феврал кунлари Миср Араб Республикаси Вақф ишлари вазири, Ислом ишлари бўйича Олий мажлис раиси доктор Маҳмуд Ҳамдий Зақзуқ жанобларининг таклифига кўра Қоҳира шаҳрида “Ислом шариатининг мақсадлари ва ҳозирги замон муаммолари” мавзuida ўтказилган халқаро Ислом анжуманида қатнашди. Анжуманда саксонга яқин давлатнинг диний ишлар бўйича вазирлари, муфтийлари иштирок этишди. Йиғилишда Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг раиси, муфтий Усмонхон Алимов бугун юртимизда оилага жамиятнинг асосий негизи сифатида қаралаётгани, соғлом оила муҳитини яратиш, она ва бола саломатлигини ҳимоя қилиш, баркамол авлодни шакллантириш борасида хайрли ишлар амалга оширилаётгани ҳақида маъруза қилди.

Усмонхон АЛИМОВ,
Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий

ИСЛОМДА ОИЛАНИНГ ЎРНИ

Бисмиллоҳир Раҳмонир Раҳим

Аллоҳ таоло барча нарсани жуфт қилиб яратган. Ўз табиатига кўра, уларнинг ҳар бири иккинчисига турли жиҳатдан эҳтиёжли қилиб қўйилган. Қуръони каримда бундай дейилади: “Сизлар эслатма олишларинг учун Биз ҳар бир нарсани жуфт-жуфт қилиб яратдик” (Зориёт, 49).

Яна бошқа бир оятда бундай дейилади: “Ер ундирадиган нарсалардан, (одамларнинг) ўзларидан ва яна улар билмайдиган нарсалардан иборат барча жуфтларни яратган (Аллоҳ)га тасбеҳ айтилур” (Ёсин, 36).

Биринчи келтирилган оят мазмунидаги “ҳар бир нарсани” жумласидаги умумийлик барча мавжудот ва махлуқотни ичига олади. Масалан, ер ва осмон, кеча ва кундуз, қуёш ва ой, қуруқлик ва сув, ёруғлик ва зулмат, имон ва куфр, ўлим ва ҳаёт, бахт ва бахтсизлик, жаннат ва дўзах, ҳатто ҳайвонот, ўсимлик ва жонсиз мавжудотнинг барчаси жуфт яратилгани инкор этиб бўлмайдиган ҳақиқатдир.

Иккинчи оятдаги “жуфтлар” сўзидан мақсад эса, мавжудотнинг синфлари, турлари, шакллари, ранги, мазаси, ҳиди каби хусусиятларидаги жуфтликдир. Бу, албатта, коинотни шундай мукамал бир шаклда, биз билладиган ва билмайдиган сир-асрорлари билан яратган Аллоҳ таолонинг қудрати қанчалар чексиз эканига ёрқин далилдир.

Оламдаги мавжудотлар ва уларнинг ўзаро жуфтлашиб, насл қолдириб боришини Аллоҳ таоло инсониятнинг фойдаси учун қилгани Қуръони карим оятларида таъкидланган.

Шунингдек, оятларда оила қуриб яшашнинг улуг неъматлардан экани, у туфайли инсонларда руҳий ва нафсоний хотиржамлик бўлиши ҳамда зурриёт қолдиришдек ҳикматлар борлиги айтилади. Ҳатто турмуш қуришга бир-бирларини ундашга ҳам буюрилган.

Масалан, Қуръони каримда: “Сизларнинг орангиздаги тул (эркак ва аёл)ларни ҳамда қул ва чўриларингиздан яроқлиларини уйлантирингиз!

Агар (улар) камбағал бўлсалар, Аллоҳ уларни ўз фазли билан бойитур. Аллоҳ (фазлу карами) кенг ва доно зотдир” (Нур, 32).

Пайгамбаримиз Муҳаммаддан (солаллоҳу алайҳи ва саллам) нақл қилинган саҳиҳ ҳадисларда ўз умматларини никоҳли турмуш қуришга тарғиб этганлари тўғрисида кўпгина далиллар бор. Масалан, бир ҳадисда: “Эй ёш йигитлар, сизлардан қайси бирингиз оила қуришга қурби етса уйлансин. Уйланиш номаҳрамларга кўз ташлашдан, зинокорликдан асрайди. Қурби етмаган киши рўза тутсин, токи унга тўсиқ бўлсин”, дейилган (Бухорий, Муслим, Абу Довуд, Термизий, Насаий).

Яна бошқа бир ҳадисда: “Тўртта яхши иш борки, улар пайгамбарларнинг суннатларидан ҳисобланади: ҳаё, хушбўйлик, мисвок тутиш, уйланиш”, дейилади (Термизий ривояти).

Яна бир ҳадисда: “Ким уйланган бўлса, диннинг ярмини мукамал адо этибди. Қолган ярмида Аллоҳга тақво қилаверсин”, дейилган (Табароний, Байҳақий, Ҳоким ривояти).

Пайгамбаримизнинг (солаллоҳу алайҳи ва саллам) ушбу тарғиботларини эшитган саҳобаи киромлар бу насиҳатларга амал қилишга ҳаракат қилишган. Шундай қилиб уйланиб, никоҳли турмуш қуриш суннат амаллар сирасидан жой олган.

Шарқда, мусулмон мамлакатларида қадим-қадимдан оила муқаддас даргоҳ саналган. Агар оила соғлом ва мустақкам бўлса, юртда тинчлик ва ҳамжиҳатликка эришилади. Зеро, оила фаровонлиги миллий фаровонлик асосидир. Шунинг учун оиланинг ижтимоий ҳаётдаги ўрни ва аҳамиятига қадим замонлардан бери давлатлар қонунчилигида алоҳида эътибор бериб келинади.

(Давоми 5-бетда)



ТОЗАЛИК ИМОННИНГ ЯРМИДИР

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

إِنَّ اللَّهَ سَمِيحٌ التَّوَّابِينَ

وَسَمِيحٌ الْمُتَطَهِّرِينَ

Аллоҳ таоло марҳамат қилади: “**Аллоҳ чин тавба-тазарру қилувчиларни ва покланувчиларни севади**” (Бақара, 222).

* * *

Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бундай марҳамат қилганлар: “Тозалик имоннинг ярмидир” (Имом Муслим).

* * *

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бундай марҳамат қилганлар: “Аллоҳ таоло яхшилик қилувчидир, яхшилик қилувчини севади; Аллоҳ таоло покдир, покликни яхши кўради; Аллоҳ таоло марҳаматлидир, олижанобликни яхши кўради; Аллоҳ таоло карамлидир, сахийликни яхши кўради. Ҳовлиларингизни тоза тутинглар...” (Имом Термизий).

* * *

Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бундай деганлар: “Ё Аллоҳ! Мени гуноҳларимдан шарқ ила ғарбнинг орасини очганинг қадар узоқ қил. Ё Аллоҳ! Оқ мато кирдан қандай тозаланса, мени ҳам гуноҳлардан шундай покла. Ё Аллоҳ! Ўтган гуноҳларимни ҳам кирни сув тозалагани каби тозала!” (Имом Бухорий).

«HIDOYAT»

Ойлик диний-маърифий,
илмий-адабий нашр

Муассис

Ўзбекистон мусулмонлари идораси

Бош муҳаррир

Нуруллоҳ МУҲАММАД РАУФХОН

Таҳрир ҳайъати

Усмонхон АЛИМОВ
Абдулазиз МАНСУР
Абдураззоқ ЮНУС
Ортиқбек ЮСУПОВ
Анвар ТУРСУН
Аҳад ҲАСАНОВ
Зоҳиджон ИСЛОМОВ
Абдулҳамид ТУРСУН
Ҳайдархон ЙЎЛДОШХЎЖАЕВ
Баҳодир КАРИМОВ
Эркин МАЛИК
Муҳаммад Шариф ЖУМАН
Юсуфжон ИСҲОҚ
Исомиддин ОЛИМОВ
Абдул Жалил ХЎЖАМ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Аҳмад МУҲАММАД

Муқова

«Voris Design» маркази билан
ҳамкорликда тайёрланди.

Бадий муҳаррир

Хайруллоҳ ҚУДРАТУЛЛОҲ ўғли

Саҳифаловчи

Юсуф САБУРОВ

Матнни

Раҳима КАРИМЖОН қизи билан Зебунисо
теришти.

Манзилимиз:

100069 Тошкент шаҳри
Зарқайнар 18-берк кўча 47а-уй;
Тел: 240-45-62, тел.факс: 227-34-30.
Интернет сайтими: www.hidayat.uz
Интернет почтаими: hidoyat_jurnali@mail.ru
Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва
ахборот агентлигида рўйхатга олинган.
Гувоҳнома рақами 0177.

Босишга 2010 йил 9 мартда рухсат берилди.
Босмаҳонага 2010 йил 11 мартда топширилди.
Қоғоз бичими 60x84^{1/8}. Адади 38300 нусха.
928-сон буюртма. «Shaq» нашриёт-матбаа
ҳиссадорлик компаниясида босилди.

Қўлёзмалар қайтарилмайди.

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан
фарқ қилиши мумкин. Келтирилган иқтибос
ва рақамлар учун муаллиф масъул.

Хат юборилганида исмлар тўлиқ, манзил аниқ ёзилсин.
Мақолалар кўчириб босилса ёки иқтибос олинса,
«Ҳидоят»дан олингани кўрсатилиши шарт.

МУНДАРИЖА

Бугуннинг гапи	
Усмонхон АЛИМОВ	
Ислонда оиланинг ўрни	1
Таянч нуқта	
Тозалик имоннинг ярмидир	2
Идора ҳаёти	
Мударрислар анжумани,	
Талабалар мусобақаси	9
Баркамол авлод йили	
Зиёвуддин МИРСОДИҚОВ	
«Сайид Муҳйиддин Махдум» мадрасаси	10
Ибратли ҳикоялар	
Сават тоза бўлди	11
Долзарб мавзу	
Абдураззоқ ЮНУСОВ	
Ўзбекистон бағрикенг диёр	12
Кутлов	
Наврўз умумхалқ байрами	13
Яхшиликка чақириш	
Абдулҳамид ТУРСУНОВ	
Обидлик ҳақиқати	14
Ҳадис шарҳи	
Абдулазиз МАНСУР	
Ислон дини гўзал хулққа чақиради	15
Олисларга саяхат	
Аҳмад ТУРСУН	
Гибралгар (Жабали Ториқ яримроли)	16
Ижтимоий ҳаёт	
Кутлибека РАҲИМБОЕВА	
Куннинг кўзи очилди	18
Гулнора ФАТҲУЛЛАЕВА	
Энг кучли, энг нозик аъзо	19
Яхшиликка чақириш	
Огоҳлик давр талаби	19
Мовароуннаҳр уламолари	
Аслиддин ТОЖИДДИНОВ	
Ҳазрати Қусам Атойи	23
Шеърят	
Умида АБДУАЗИМОВА	
Марваридларим	24
Ҳабибба БУРҲОН қизи	
Табиат, онажоним... ..	24
Имомларимиз ижодидан	
Ҳасан МУҲАММАД АМИН ўғли	
Дуо олгин	25
Муҳаммадҷон ИБРОҲИМОВ	
Луқмони Ҳаким насиҳатлари	25
Ёмонликдан қайтариш	
Хайруллоҳ ТОҒАЕВ	
Сехрчининг шериги ҳасадчидир	26
Тарбия	
Розия ШОДИЕВА	
Оила марвариди	27
Бола билан телевизор	27
Навоийхонлик	
Рустам ТУРСУНОВ	
«Офият кунжи манга эрди мақом...»	28
Минтақа	
Хитойда Ислон тарихи	30
Иқлим исшига доир	30
Насиҳат	
Тоҳир МАЛИК	
Бахтли бўлиш учун	31
Фойдали маслаҳатлар	
Мақсудбек АЛИМБЕКОВ	
Бир туп ўрик	32

Муқовада: Андижон шаҳридаги “Жиддаи муборак” жомеъ масжиди хонақоҳи (1-саҳифа), Фарғона вилоятидаги “Ҳоҷаназар Хувайдо” зиёратгоҳи (4-саҳифа). Хайруллоҳ Қудратуллоҳ ўғли суратга олган.

Тафсир

Мулла ХОЛИМУҲАММАД ТўРА ўғли

АЛЛОҲ АДОЛАТ ВА ЯХШИЛИККА БУЮРАДИ

4

Аллоҳ таоло бандага тўрт хил қувват берган: ҳайвоний – шаҳват қуввати; йиртқич – ғазаб қуввати; шайтоний қувват; ақлий – малакий қувват. Ақлий қувват ҳам поклашга, одоб беришга муҳтож. Қолганлари шариат муқтазоси ва ақл-одоб билан тарбия қилинади. Чунки булар ҳамма гуноҳларнинг бошланадиган жойи, шайтоннинг одам ичига кириш жойидир.

Саҳобалар ҳаёти

Абдураҳмон Раъфат ПОШО

ЗАЙДУЛ ХАЙР

Сухбат чоғида Пайғамбаримиз (алай-ҳиссалом) Зайдул Хайрга:

– Мен илгари васфини эшитиб юрган одамларнинг ўзлари билан учрашганимда, улар ҳақида айтилган мақтовлар ошириб юборилганига гувоҳ бўлардим. Аммо сен ҳақингда бундай эмас экан. Биласанми, Зайд, сенда Аллоҳ ва Унинг элчиси яхши кўрадиган икки хислат бор, – дедилар.

6

Тарбия

БИР ҚЎЛИГА НОН,
БИР ҚЎЛИГА КИТОБ...

8

Қаерга бормай, ўқувчилардан: “Театрга бордиларингми, музей ёки кинога-чи?” деб сўрайман. Улар: “Ҳа”, деб жавоб беришади. Аммо “Китоб дўконида бўлдиларингми?” деган саволимга жавоб беришолмайди. Чунки болаларни кутубхоналарга олиб боришни ташкиллаштирадиган мактаблар кам.

Хабарлар

ИСЛОМ ВА ОЛАМ

Ислон тадқиқот марказлари анжумани ИКТ бош котиби Акмалуддин Эҳсонўғли Ислон олами билан Фарб ўртасида алоқалар тобора мураккаблашаётган ҳозирги босқичда тадқиқот марказларининг ўрни ва аҳамияти ҳақида гапирди. У тадқиқот марказлари олимларини янги ғояларни, жойлардаги аҳволни ўрганиб, муаммолар ечими юзасидан энг яхши таклифларни илгари суришга чақирди.

20



“Албатта, Аллоҳ адолат ва яхшиликка буюради. Қариндошларга (садақа) беришга буюради. Фаҳш, мункар ва тажовуздан қайтаради. Сизларга ваъз-насиҳат қилади. Шояд насихат олсангиз” (“Наҳл”, 90).

﴿ إِنَّ اللَّهَ يَأْمُرُ بِالْعَدْلِ وَالْإِحْسَانِ وَإِيتَايَ ذِي الْقُرْبَىٰ وَيَنْهَىٰ عَنِ الْفَحْشَاءِ وَالْمُنْكَرِ وَالْبَغْيِ ۗ يَعِظُكُمْ لَعَلَّكُمْ تَذَكَّرُونَ ﴾

АЛЛОҲ ТАОЛО АДОЛАТ ВА ЯХШИЛИККА БУЮРАДИ

Бу ояти карима динимиз буюрган яхшиликлар ва қайтарган ёмонликларни ўзида жамлаб, барча яхшиликларга буюриб, ёмонликлардан қайтаргандир. Бу оятда учта яхшиликка буюрилиб, учта ёмонликдан қайтарилган.

Биринчиси адолатдир. У ифрот ва тафритдан қочиб, ўртамиёна бўлишдир. Адолат барча нарсаларда вожибдир. Эътиқодда илоҳни бир деб билиб эътиқод қилиш адолатдир. Ибодатдаги адолат Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) олиб келган шаръий ҳукмларга мувофиқ бўлишидир.

Иккинчиси эҳсондир. Эҳсон итоатда муболаға қилишдир. Бу муболаға ададда бўлиши мумкин. Фарз, вожиблардан фориг бўлиб, нафлларни ўқишга ўхшаш. Ёки сифатда бўлиши мумкин. Намознинг суннат, вожиб, мустаҳабларини ўрнига қўйиб ўқишдек. Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Жаброилдан (алайҳиссалом): “Эҳсон нима?” деб сўрадилар. У зот айтди: “Эҳсон Аллоҳни кўриб турганингиздек Унга ибодат қилишингиздир. Сиз Аллоҳни кўрмаган тақдирингизда ҳам, Аллоҳ сизни кўриб туради”.

Учинчиси қариндошларга силаи раҳм қилиш, ҳолларидан хабар олиш, оч бўлса, нафақа бериш, бемор бўлса, зиёрат қилиш, кулфатга мубтало бўлса, қўлидан келганича уни бартараф этишга ҳаракат қилиш, агар ўзи фақир бўлса, қўл-оёғи билан хизмат қилиш, агар бунга ҳам қодир бўлмаса, тили билан яхши дуолар қилишдир.




Аллоҳ яна ушбу уч нарсадан қайтарди: биринчиси – фаҳш, яъни зино, ливота каби ҳайвоний шаҳватга берилишдан. Иккинчиси – мункар, яъни ақл ва шариат инкор қилган ёмон ишлардан. Учинчиси – боғий, яъни зўравонлик сингари шайтоний қувватга берилишдан қайтарди.

Аллоҳ таоло бандага тўрт хил қувват берган: ҳайвоний – шаҳват қуввати; йиртқич – газаб қуввати; шайтоний қувват; ақлий – малакий қувват.

Ақлий қувват ҳам поклашга, одоб беришга муҳтож. Қолганлари шариат муқтазоси ва ақл-одоб билан тарбия қилинади. Чунки булар ҳамма гуноҳларнинг бошланадиган жойи, шайтоннинг одам ичига кириш жойидир. Шаҳват қуввати мўътадилликдан ўтса, зино каби гуноҳлар содир бўлади. Газаб қуввати ошса, зулм пайдо бўлади, мункар ишлар содир бўлади. Шайтоний қувват тажовуз қилса, кибр, зулм (нифок) содир бўлади.

Ким мазкур оят буюрган уч нарсани қилиб, у қайтарган уч нарсадан қайтса, дунё ва охират саодатига эришиши шубҳасиздир. Ибн Аббос (розийаллоҳу анҳу) ушбу оятни: “Яхшилик ва ёмонликларнинг барини ўзида жамлаган оятдир”, деганлар. Бу оят сабабидан Ҳазрати Усмон (розийаллоҳу анҳу) имонга келганлар.

Мулла ХОЛМУҲАММАД ТЎРА ўғли
“Ал-Ислоҳ” журналидан
Тошкент Ислам университети аспиранти
Захро УЛУҒБЕКОВА
тайёрлади.



ИСЛОМДА ОИЛАНING ЎРНИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда)

Мамлакатимиз қонунларида ҳам, мавжуд диний ташкилотларнинг фаолиятида ҳам оила масаласига жиддий аҳамият қаратилган. Хусусан, давлатимизнинг Бош қомусида “Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофаза-сида бўлиш ҳуқуқига эга” деб белгилаб қўйилган.

Уламоларимизнинг фатволари асосида эса юртимиз мусулмонлари барча диний муаммолари қатори оила, никоҳ, талоқ каби шаръий масалаларни бемалол ҳал қилиш имкониятига эгадирлар.

Юртимизда оилага жамиятнинг асосий негизи сифатида қаралиб, соғлом оила муҳитини яратиш, она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантириш борасида жуда кўп хайрли ишлар амалга оширилган ва оширилмоқда. Жумладан, давлатимиз томонидан соғлом авлодни шакллантириш, она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини оширишга қаратилган бир қатор қарор ва дастурлар қабул қилиниб, ҳаётга татбиқ этилмоқда. Мустақилликка эришганимиздан буён Юртбошимизнинг ташаббуслари билан оила мустақамлиги ва фаровонлигига долзарб масала сифатида қаралиб, йилларга “Оила”, “Она ва бола”, “Соғлом авлод”, “Ёшлар” ва “Баркамол авлод йили” деган номлар берилиб, махсус дастурлар қабул қилинган.

Албатта, буларнинг барчаси, бугунги кунда мамлакат аҳолисининг 64 фоизини ташкил этадиган 30 ёшгача бўлган ёшларнинг илмли ва касб-хунарли бўлишлари, жамиятда ўз ўрнини топишлари учун ҳукуватимиз юксак эътибор бераётганининг ёрқин далилидир.

Шу ўринда таъкидлаш керак, давлатимиз ва жамиятимиз соғлом ҳамда мустақам оила масаласида, биринчи навбатда, янги қурилаётган ёш оилаларга ғамхўрликни устувор вазифа деб билади. Ёш оилалар ижтимоий ҳимояга олиниб, моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватланади.

Ўзбек халқи тарихига назар ташлайдиган бўлсак, энг қимматли анъаналар: ҳалоллик, ростгўйлик, ор-номус, шарму ҳаё, меҳру оқибат, меҳнатсеварлик каби барча инсоний фазилатлар, энг олдин оилада шаклланишининг гувоҳи бўламиз.

Бугунги кунда ҳам ана шу анъаналарни давом эттириб, ота-оналаримиз оиланинг соғлом иқлими, бир-бирига меҳр ва ҳурмат шароитида, оила бағрида фарзандларини эл-юртнинг муносиб ўғил-қизлари, Ватаннинг ҳақиқий содиқ фуқаролари бўлиб вояга етишлари учун жон куйдиришмоқда. Халқимиз “Қуш ўз уясида кўрганни қилади”, деб бежиз айтмаган, бу гапда чуқур маъно-мазмун бор.

Оила ҳаётнинг абадийлигини, авлодларнинг

давомийлигини таъминлайдиган, эзгу урф-одатларимизни сақлайдиган, шу билан бирга, келажак насллар қандай инсон бўлиб етишишига бевосита таъсир кўрсатадиган тарбия ўчоғи эканини унутмаслигимиз керак.

Муқаддас Ислom дини таълимотларига таянган ҳолда ўзбек оилалари ўз фарзандларига диний ва дунёвий билимлар бериш билан бир қаторда, ахлоқ-одобларини ҳам чиройли қилишга интилишяпти. Зеро, Пайғамбаримиз (солаллоҳу алайҳи ва саллам) ўзлари: “Мен инсонлардаги ахлоқ-одобни такомилга етказиш учун юборилган пайғамбардирман” – деганлар. Демак, Аллоҳ таоло ул зотни айнан шу мақсадда ер юзига элчи қилиб юборган, У зот бу борада ҳаммамизга намунадирилар.

Оила ҳақида сўз юритар эканмиз, кўз ўнгимизда ота-она, фарзандлар ва улар ўртасидаги муносабат гавдаланади. Аллоҳ таоло ота-она қалбига ўз фарзандларига нисбатан раҳм-шафқат ва меҳрибонлик ҳис-туйғуларини жо этган, улар бу хусусиятлари билан яшашни ўзларига бахт деб билишади ва яхши натижаларга эришишни орзу қилишади.

Мана шундай орзу-истакларга эришиш учун ота-она ўз фарзандларига Ислom таълимоти ва аҳкомларига риоя қилишни ўргатади. Зеро, Аллоҳ таоло: “**Эй, имон келтирганлар! Ўзларингизни ва оила аъзоларингизни ёқилгиси одамлар ва тошлар бўлмиш дўзахдан сақлангиз**” (Таҳрим, 6) деб огоҳлантиради. Пайғамбаримиз (солаллоҳу алайҳи ва саллам) айтадилар: “Фарзандларингизга шаръан буюрилган ва қайтарилган нарсаларга риоя қилишни буюринглар. Шу ишларинг уларни дўзахдан сақлаганларинг бўлади” (Ибн Жарир ривояти).

Фарзандларимизнинг илм олиш ва касб-хунар эгаллашларига ҳамфикр ва кўмакчи бўлишимиз зарур, уларга теварак атрофимизда бўлаётган воқеа-ҳодисаларга, ўзгаришларга дахлдорлик руҳида тарбия беришимиз, келажакка катта ишонч билан қарашга ўргатишимиз керак.

Муқаддас Ислom дини таълимоти ва йўл-йўриқлари жамият пойдевори, умматнинг истиқболли бўлган ёшларнинг ҳартомонлама комил инсонлар бўлиб етишишлари учун оила, ота-она, устоз ва жамият зиммасига катта масъулият ва вазифалар юклайди.

Зеро, Пайғамбаримиз (солаллоҳу алайҳи ва саллам) муборак бир ҳадисларида:

“Ҳар бирингиз тарбиячисиз ва ҳар бир тарбиячи қўл остидагиларга жавобгардир” – деб марҳамат қилганлар.

Фарзандларимизни, ёшларимизни бировларга фойдаси тегадиган қилиб тарбиялашимиз керак, то улар мусулмон кишиси жамият учун фақат яхшиликни раво кўриши, ёмонликлардан тийилиши ва бошқаларга азият беришдан узоқда бўлиши кераклигини англаб етишсин. Ҳақиқий мусулмон яхши амалларни қилишда бардавом бўлади, у ҳар вақт Расулulloҳнинг (солаллоҳу алайҳи ва саллам) ушбу ҳадисларига амал қилиб боради:

“Сизлардан ҳеч бирингиз ўзига яхши кўрган нарсани, биродарига ҳам раво кўрмагунига қадар чин имонли бўлмайди” (Муттафиқун алайҳ).

Абдулрахмон Раъфат ПОШО

ЗАЙДУЛ ХАЙР


Одамларга яхшилик қилувчи инсон одатда замонлар эврилиши билан кўп ўзгармайди. Бу гал сизга таништирмакчи бўлганимиз саҳоба Зайдул Хайр (розийаллоху анху) жоҳилият замонида ҳам, кейин ҳам энг яхши инсонлардан бири эди. Бу саҳобани жоҳилият одамлари “Зайдул Хайл” (Отларнинг Зайди) деб аташган бўлса, Расулulloҳ (солаллоху алайхи ва саллам) отини “Зайдул Хайр” (Яхшилик Зайди) деб ўзгартирганлар.

Зайдул Хайрнинг Исломдан олдин қилган яхшиликлари ҳақида тарих китобларида бир воқеа келтирилади: Бани Омир қабиласи қаттиқ қурғоқчилик туфайли жуда қийин аҳволда қолган кезлар эди. Қабиладан бир киши бола-чақасига егулик қидириб, етти кун деганда туя боқиладиган кўра олдидан чиқиб қолади. Ўртага чодир тикилган, атрофида бир қанча туя ётарди. Чодирда бир чавандоз йигит кекса отасини овқатлантириб ўтирарди. Вақт алламаҳал бўлиб, ҳамма уйкуга кетганида Бани Омирдан келган киши сездирмай, туялардан бир уюрини ҳайдаб, йўлга тушади. У болаларим очликдан ўлиб қолишмасин деб шундай оғир жиноятга қўл урган эди. Эртаси чошгоҳ маҳали чавандоз йигит туя ўғрисиغا етиб олади ва туяларини қайтариб беришини сўрайди. Ҳалиги одам унга аҳволини тушунтиради. Чавандоз йигит бу туялар ўзиники эмас, балки синглисига тегишли эканини айтади. Шунда туя ўғриси уни таниб қолади ва: «Сен Зайдул Хайлмисан?» деб сўрайди. Зайд тасдиқ жавобини беради ва ночор кишининг кўнглини кўтариб: «Сен ҳозирча бизникида яшаб тур, болаларингга егулик топамиз. Тез орада кўлимга ўлжа тушади, шунда сенга ҳам бераман», дейди. Орадан ҳеч қанча ўтмай Зайдул Хайр бечора одамга бир нечта туя бериб, ҳатто эсон-омон уйига етиб олиши учун кўриқчилар ҳам ажратади.

* * *

Ҳазрати Муҳаммадга (алайҳиссалом) пайғамбарлик берилиб, Қуръон оятлари туширилаётганини эшитган Зайд ўша куниёқ сафар анжомларини тайёрлай бошлади. У қавмининг улуғларини Ясрибга бориб, Набий (алайҳиссалом) билан учрашиб келишга кўндирди. Қабиласидан кўпчилик





йўлга чиқадиган бўлди. Улар орасида Зур ибн Садус, Молик ибн Жубайр, Омир ибн Жувайн ва бошқалар ҳам бор эди. Меҳмонлар Ясрибга етиб келиб, тўғри масжидга боришди. Жума куни, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) минбарда маъруза қилаётган эдилар. Қабилadoшлар Расули акрамнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) сўзларидан, мусулмонларнинг у зотга муҳаббатидан таъсирланиб, ҳайратга тушиб ўтиришарди. Шерикларидан баъзиларига эса бу ажойиб сўзлар ёқмаётгани ҳам сезилиб турарди. Пайғамбаримизнинг (алайҳиссалом) кўзлари меҳмонларга тушганида: «Мен сизларга Уззодан (бут номи) ҳам, сизлар Аллоҳни қўйиб сизнадиган қора туянгиздан ҳам ва бошқа сиз ибодат қиладиган нарсаларнинг ҳаммасидан ҳам паноҳ тилайман...» деб хитоб қилаётган эдилар.

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) хутбалари тугаши билан Зайд ўрнидан турди. У қоматдор, баланд бўйли, келишган киши эди, отга минса, оёқлари ерга тегайтегай деб турарди. У қаддини ростлаб, баланд овозда:

– Эй Муҳаммад, гувоҳлик бераман, Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ, сиз Унинг элчисисиз! – деди.

Расули акрам (соллаллоҳу алайҳи ва саллам):

- Сен кимсан? – деб сўрадилар.
- Муҳалҳил ўғли Зайдул Хайлман.
- Сен Зайдул Хайл эмас, балки Зайдул Хайрсан.

Сени сахрою тоғлар оша бу ерга келтирган, қалбингни Исломига мойил қилган Аллоҳга ҳамдлар бўлсин! – дедилар Пайғамбаримиз (алайҳиссалом).

Шу воқеадан сўнг уни ҳамма “Зайдул Хайр” деб чақирадиган бўлди.

Бир оздан сўнг қабилadoшлар Умар ибн Хаттоб ва бошқа саҳобалар ҳамроҳлигида Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)

ҳузурларига боришди. Пайғамбар (алайҳиссалом) Зайдга мулозамат қилиб, суяниши учун болиш таклиф этдилар. Аммо меҳмон Набий ҳузурларида ёнбошлаб ўтириш одобдан эмаслигини биларди. Расули акрам (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) яна таклиф қилдилар, у яна кўнмади ва бу ҳол уч бор такрорланди.

Сўхбат чоғида Пайғамбаримиз (алайҳиссалом) Зайдул Хайрга:

– Мен илгари васфини эшитиб юрган одамларнинг ўзлари билан учрашганимда, улар ҳақида айтилган мақтовлар ошириб юборилганига гувоҳ бўлардим. Аммо сен ҳақингда бундай эмас экан. Биласанми, Зайд, сенда Аллоҳ ва Унинг элчиси яхши кўрадиган икки хислат бор, – дедилар.

– Қандай хислатлар экан? – деб қизикди Зайд.

– Вазминлик ва ҳалимлик.

– Аллоҳ ва Унинг элчиси ёқтирадиган хислатларни менда бор қилган Аллоҳга мақтовларим бўлсин, – деди Зайд қувонч билан.

* * *

Ўшанда Зайднинг қавмдошлари ҳам Исломи қабул қилишди. Қайтиш фурсати етиб, янги мусулмонлар юртлари Наждга жўнашар экан, Расули акрам (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) улар билан хайрлашдилар ва яна бир бор Зайдга:

– Қандоқ ажойиб одамсан-а! – деб қўйдилар.

Ўша пайтда Мадинада безгак тарқалган эди. Зайдул Хайр шаҳардан чиқишаркан, безгакка чалиниб қолганини сизди. Йўлда у ҳамроҳларига:

– Қайс қабиласи манзилини айланиб ўтайлик, жоҳилият аҳмоқлиги боис улар билан кўп жанг қилганман. Энди мусулмон бўлганимдан кейин то ўлгунимча биров билан ноҳақ урушмасликка аҳд қилдим, – деди.



Ҳазрат Навоий: “Ҳар ишки қилмиш одамизод, тафаккур бирла билмиш одамизод”, дейди. Инсонни фикр қилишга, ўзлигини англашга ундовчи асосий воситалардан бири китобдир.

Бугунги ҳаётимиз, фарзандларимиз тарбиясида китобнинг ўрни қандай? Суҳбатдошларимиз ушбу саволга жавоб топишга ҳаракат қилишган.

БОЛАНИНГ БИР ҚЎЛИГА НОН, БИР ҚЎЛИГА КИТОБ БЕРИНГ

Зухриддин ИСОМИДДИ-НОВ, Ўзбекистон Миллий китоб палатаси директори:

Сир эмас, ҳозир ёшларимиз нисбатан кам китоб ўқишяпти. Бунинг сабабини қидириш жуда муҳим. Чунки камолот йўли ўқиш ва ўрганиш, илм, одоб эгаллашдир. Маънан қашшоқ, билими саёз одамдан элга фойда йўқ. Бир жойда туриб қолган сув айнигани каби онги ўсмаётган одам жаҳолатга оғиб кетади.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Худойберди Тўхтабоев саксонинчи йиллар охирларида чоп этилган “Болалар адабиётига чанқоқлик” номли мақоласида бундай ёзган эди: “Ўша йиллари республикамизда бор-йўғи битта нашриёт бўлиб, болалар ва ўсмирлар учун нари борса, йилига 10-15 китоб чоп этилган. Бошқачароқ қилиб айтсак, болалар ва ўсмирлар бадий китоб ўқишдан, ўзларини англаб етишдан, яъни, маънавий жиҳатларини бойитишдан кўп ҳолларда маҳрум бўлишган”.

Бугун фарзандларимиз дунё-қараши ўзгаргани рост. Илгарилари акага тор келиб қолган кийимни ука кийиб, опанинг китобларини кейинги йил сингил ўқийверарди. Ҳозирги болалар бунга унашмайди, янги китоб сўрашади. Аммо бир тоифа ота-оналарни биламан, болаларининг қорнини тўқлаб, усти-бошини бутласа бўлди, қолгани билан иши йўқ.

Бир киши донишманддан, фарзандим хурсанд бўлиши учун нима совға қилай, деб сўрабди. Донишманд: “Агар қанд берсанг, бола бир кун хурсанд бўлади, эртасига таъмини унутади. Ўйинчоқ олиб берсанг, бир ҳафта қувонади, тулпор от мингизсанг, бир ойдан кейин уни қирчанги қаторида кўради. Сен фарзандим хурсанд бўлсин десанг, халтасига китоб солиб қўй, шундай қилсанг, у бир умрга бахтли бўлади...” дебди.

Ёшларнинг кам китоб ўқишларига яна бир сабаб кейинги вақтда босма нашрлар нархи бироз юқорилаганидир. Болажонлик ўзбекка хос. Қонунларимизда ҳам, масалан, болалар буюмлари, ўйинчоқлари савдоси билан шуғулланувчиларга бир қанча имтиёзлар бор. Бундай имтиёзни болалар нашрлари тармоғига ҳам жорий этса бўлмасмикан? Нашриётлар, босмаҳоналар, китоб савдоси билан шуғулланувчилар ҳам озгина ҳиммат қилишса... Болалар китоблари арзонлармиди...



Эркин МАЛИК, “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти болалар адабиёти бўлими мудури:

Қадимги ўзбек мактабларининг шиори “Боланинг бир қўлига нон, бир қўлига китоб беринг” бўлган экан. Касбим тақозоси билан мактабларда, болалар муассасаларида кўплаб тадбирларда қатнашаман. Қаерга бормай, ўқувчилардан: “Театрга бордиларингми, музей ёки кинога-чи?” деб сўрайман. Улар: “Ҳа”, деб жавоб беришади. Аммо “Китоб дўконида бўлдиларингми?” деган саволимга жавоб беришолмайди. Чунки болаларни кутубхоналарга олиб боришни ташкиллаштирадиган мактаблар кам. Ўқувчиларнинг китобга қизиқишларини шу тарзда ҳам шакллантириш мумкин-ку.

Ҳозир ҳамма мактабларда кутубхона бор. Шунингдек, ҳар бир синфда ҳам китоблар бурчаги ташкил этилса, яхши бўларди.

“Шарқ зиёкори”нинг барча вилоятларда бўлимлари очилган. Нашриёт ўтган йили бир миллиард сўмлик турли номдаги





асарлар чоп этди. Шулардан уч юз эллиқ мингдан ортиги болалар китоблари.

Йилдан-йилга китобга талаб ошмоқда. Аммо сонига эмас, сифатига ҳам эътибор беришимиз керак. Тўғриси айтсам, юракни “жиз” эттирадиган китоблар кам. “Болалар ёзувчилари бир оз дангаса бўлиб қолишди”, деган гапда жон бор. “Ур тўқмоқ”, “Уч оғайни ботирлар” каби эртақларни қайта-қайта нашр эттирамиз. Шулар қатори, буюк аждодларимизнинг болалиги ҳақида ибратли рўмонлар, қиссалар ёзиш пайти келди.

Муқаддас МУҲАММАДАЛИЕВА, ўқитувчи:

Менимча, бу борада биз катталар кўпроқ айбдоримиз. Биргина мисол, яқинда алифбе байрами олдидан бошланғич синф ўқувчиларининг ота-оналарини йигдик. Одатда, бу байрамда болаларга турли совғалар улашилади. Мен йиғилганлардан: “Болаларингизга қандай совға берганимиз маъқул?” дея сўрадим. Улардан бири: “Энг яхшиси китоб”, деди. Аммо қолганлар буни маъқуллашмади. Болаларига китобдан кўра юмшоқ ўйинчоқлар совға қилинса, яхши бўлишини айтишди.

Беҳзод ФАЗЛИДИН, журналист:

Телевизорда ҳар куни турли хил дори-дармон, ширинликлар тарғиб қилинади. Аммо чоп этилган яхши асарлар ҳақидаги кўрсатувлар деярли йўқ.

Кўп тенгқурларимиз моддий-маиший орзулар ортидан эргашишмоқда. Айримлар буни замонавий технологияларнинг оммавийлашгаётгани билан изоҳлашади. Компютер, интернет деймиз. Тўғри, уларнинг қулайликлари кўп. Аммо чин маънодаги маънавий тарбия, бадий завқни инсон фақат китобдан олади.

Муҳаммад СИДДИҚ
ёзиб олди.



Мударрислар анжумани

Феврал ойининг йигирма учинчи куни Китоб тумани “Хожа Бухорий” Ислам ўртамахсус билим юртида Ўзбекистон мусулмонлари идорасига қарашли таълим муассасалари раҳбарларининг илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди.

Анжуманда Дин ишлари бўйича кўмита таълим бўлими бошлиғи Зулхайдар Султонов, идоранинг таълим ва кадрлар тайёрлаш бўлими мудири Жалолиддин Нуриддинов, хотин-қизлар масалалари бўйича маслаҳатчиси Фотима Ҳақбердиева ва идора тасарруфидаги таълим муассасалари раҳбарлари қатнашишди.

Мударрислар анжумани очиқ дарс таҳлили билан бошланди. Билим юртининг мударрис ва ўқитувчилари талабаларга ноанъанавий усуллар, замонавий технологиялардан фойдаланган ҳолда намунавий очиқ дарс ўтишди. Иштирокчилар мударрис ва ўқувчиларнинг дарслари юзасидан фикр мулоҳазаларини билдиришди.

Тадбир иштирокчилари талабалар янги ётоқхонасини кўришди, бу ерда ташкил қилинган Қашқадарё вилоятининг тарихий ёдгорликлар, билим юрти фаолияти акс этган суратлар кўргазмаси, миллий ҳунармандлик ва хат-

тотлик асарлари намуналари билан танишишди.

Раҳматуллоҳ УСМОНОВ

Талабалар мусобақаси

Шу йилнинг 4 март куни Имом Бухорий номидаги Тошкент Ислам Институтининг Таҳфизул Қуръон бўлими билан Диний фанлар кафедраси талабалари ўртасида мавлуди шарифга бағишланган беллашув бўлиб ўтди.



Қуръон тиловати билан бошланган ушбу мусобақада қатнашчилар Ислам тарихи, Пайгамбаримизнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) муборак сийратларини ўрганиш бўйича олган билимларини синовдан ўтказишди.

Мусобақа охирида эса талабалар иштирокида бадий саҳна кўринишлари намойиш этилди.

Баҳслар натижасига кўра Таҳфизул Қуръон бўлими талабаларининг кўли баланд келди.



Миллий истиқлолимизнинг иккинчи йили Андижон вилояти Олтинкўл тумани Жалабек қишлоғида “Саййид Муҳйиддин маҳдум” Ислом ўрта-махсус билим юртига асос солинди. Ўтган давр мобайнида билим юртини саккиз юз нафарга яқин талаба битириб, исломшунос ва имом-хатиб мутахассислиги дипломини олди.



“САЙЙИД МУҲЙИДДИН МАҲДУМ” МАДРАСАСИ



* * *

Саййид Муҳйиддин маҳдум тахминан 1874 йили Андижоннинг ҳозирги Пахтаобод тумани Жалабек қишлоғи Найзақайрағоч маҳалласида Саййид Жалолиддин қози оиласида дунёга келган. Ўттиз ёшгача Бухорои шариф мадрасаларида илм олиб, яна Андижонга қайтади, мударрислик қилади. Динимиз аҳкомларини мукамал билгани, одиллиги ва халқпарварлиги туфайли ўша даврда вилоят қозилари раиси этиб сайланади.

Саййид Муҳйиддин маҳдум советларнинг тазйиқи билан 1928 йили юртдан Қашқарга

кетишга мажбур бўлади. У зот 1943 йили Қашқарда вафот этган.

* * *

Мадраса очилганида бир ерда қурилиши тугалланмаган, томи чала ёпилган бир бино бор эди. Ўша йилнинг ўзидаёқ қуриб битказилди.


1996 йили 13 та ўқув ва 13 та ётоқ, жами 26 хонадан иборат икки қаватли иморат қад ростлади. Хоразмлик усталар унга шарқона безак беришди. Хаттотлар Аллоҳ таолонинг исм-сифатларини насх усулида гишт деворга ўйиб ёзишди. Масжид ичи ва ташини маҳаллий усталар ганч билан пардозлашди.

2001 йили мадрасанинг уч қаватли замонавий биноси қурилиши бошланди. Қурилиш асосан халқимизнинг азалий удумларидан бўлган ҳашар йўли билан амалга оши-

рилди. Бу эзгу ишларда маҳалла аҳлининг, ёши улуг отахонларнинг хизматлари катта бўлди. Асака, Булоқбоши, Чинобод, Шаҳрихондан, Наманган, Фарғона вилоятларидан келган усталар катта ёрдам беришди.

Бугун билим юртида юздан ортиқ талаба таҳсил олмақда. Йигирмадан ортиқ мударрис талабаларга диний ва дунёвий фанлардан сабоқ беради. Айниқса, ингилiz тили, математика, информатика фанларига ёшларнинг қизиқиши катта. Мадрасада ўқув жараёни қатъий жадвалга асосланган. Ўқув хонала-





ри кенг, ёруғ ва замон талабларига мос жиҳозланган. Араб ва инглиз тили дарслари учун махсус хоналар бор. Ўн бир мингдан ортиқ китоб захираси, ўқув залига эга кутубхона талабалар хизматида. Турли тадбирлар, давра суҳбатлари ўтказишга мўлжалланган маънавият ва маърифат хонаси ишлаб турибди. Талабаларимиз тиришқоқлик билан



илм олиб, фан олимпиадалари, Куръон мусобақалари, шунингдек, Баркамол авлод спорт беллашувларида фаол қанташишяпти. Улар чет элда ўтаётган халқаро кўрик-танловларда ҳам муносиб ўринларни эгаллашмоқда.

Билим юртини ҳозиргача саккиз юз нафарга яқин талаба битириб, исломшунос ва имом-хатиб мутахассислиги дипломини олди. Улар жойларда пок динимиз тарғиботи, мустақил Ватанимиз равнақи йўлида муносиб хизмат қилишяпти.

**Зиёвуддин
МИРСОДИҚОВ,**
билим юрти мудир

САВАТ ТОЗА БЎЛДИ

Кекса отахон набираси билан ғарбий Кентукийнинг тоғли ҳудудларида, дарё бўйида яшарди. Набира ҳар тонг бобосининг китоб ўқиб ўтирганини кўрар ва секин ёнига бориб, чўккалаб ўтирар, қулоқ солар эди. Аста-аста ўзи ҳам ўқишни ўрганди. Бир кўни у:

— Бобо, мен ҳам сиздек ўқийман, аммо маъносини тушунмайман. Ўқиган жойларим тезда ёдимдан чиқиб кетади. Бундай ўқишдан нима фойда? — деб сўради

Бобо саватдаги кўмирни печга солиб, набирасини ёнига чақирди:

— Мана бу саватни ол-да, дарёга бориб, бир сават сув келтир, — деди.

Набира бобоси айтганидек қилди, аммо уйга қайтгунича ҳамма сув саватдан оқиб кетди. Бобоси кулиб:

— Кейинги сафар тезроқ юришингга тўғри келади, — деди ва яна дарёга юборди.

Бола дарёдан сувни олиб, уйга югурди, лекин бу сафар ҳам ҳамма сув оқиб кетди. Бола ҳансираб келиб, саватда сув олиб келиш имконсизлигини айтди ва қўлига челак олди. Шунда бобоси:

— Менга челак билан эмас, шу сават билан сув келтир, сен етарлича ҳаракат қилмаяпсан, — деди. Бола саватда сув келтириб бўлмаслигини, қанча уринма-

син, сув саватдан оқиб кетаверишини бобосига кўрсатгиси келди. Яна саватни дарёга ташлади ва уни олиб, бор кучи билан югурди. Бобосининг олдида келганида саватда бир томчи ҳам сув қолмаган эди. Болакай ҳансираганича:

— Бобо, саватда сув келтириб бўлмайди! — деди.

— Ҳаракатим беҳуда кетди, деб ўйладингми, болам, саватга бир қарагин, — деди бобо набирасига.

Бола саватга қаради ва кўмир солинадиган қоп-қора, кир ва эски саватнинг ичи ва таши тоза бўлиб қолганини кўрди. Шунда бобоси унга:

— Болажоним, сен китоб ўқиганингда ҳам шундай ҳол юз беради. Сен ҳеч нарса тушунмаслигинг ёки эслаб қололмаслигинг мумкин, лекин уни ўқиганингда ички, ташқи томондан ўзгарасан, тозаланасан, — деди жилмайиб.

Дилафруз САЛОҲИДДИН қизи
тайёрлади.





Абдураззоқ ЮНУСОВ,
Ўзбекистон муслмонлари
идораси раиси
ўринбосари

ларда бошқа халқлар билан қўни-қўшничилик ва бошқа муомалаларни чиройли қилишга тарғиб этилган.

Аллоҳ таоло бундай марҳамат қилади: **«Эзгулик ва тақво (йўли)да ҳамкорлик қилингиз, гуноҳ ва адоват (йўли)да ҳамкорлик қилмангиз! Аллоҳдан кўрқингиз! Албатта, Аллоҳ азоби қаттиқ зотдир»**, (Моидда, 2).

Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва

ЎЗБЕКИСТОН БАҒРИКЕНГ ДИЁР

Мустақиллик шарофати билан юртимизда виждон эркинлиги тўла таъминланди. Турли миллат вакилларининг ҳеч қандай тўсиқларсиз қадриятларини ўрганишлари, урфодат ва анъаналарини ривожлантишлари учун кенг имкониятлар очилди.

Жамият тараққиётида миллатлараро бағрикенглик ва тотувлик ҳамиша муҳим аҳамият касб этган. Ўзбекистонда 130 га яқин миллат вакиллари – турли динларга эътиқод қилувчи халқлар аҳил-иноқ яшаб келишмоқда. Улар ўртасида бирор марта миллий ёки диний низо чиқмаган. Юртимизда турли халқларнинг кўплаб миллий-маданий марказлари ишлаб турибди.

Халқимизнинг бағрикенглигига тарихда ҳам мисоллар жуда кўп. Милодий X асрдаёқ диёримизда мўътадиллиги билан ажралиб турувчи ҳанафий мазҳаби қарор топди. Яъни, бизнинг ўлкаларда шаклланиб улгурган бағрикенглик тасодифий ҳодиса эмас эди. Шунингдек, Имом Бухорийнинг “ал-Жомийъ ас-саҳиҳ” ҳадислар тўплами анъанавий сунний китобларнинг энг яхшиси деб тан олинган. Бу китобда диний мутаассиблик, ақидапарастлик учун асос бўладиган ғоялар йўқлиги ҳам юртимизда қадимдан ижтимоий бағрикенглик тамойиллари устувор бўлганини кўрсатади. Демак, юртимиз халқларининг ютуқлари нафақат муслмонлар, балки жаҳон маданиятининг ҳам ажралмас қисми ҳисобланади.


Куръони карим оятлари ва саҳиҳ ҳадис-

саллам) кўплаб ҳадисларида бошқа дин вакилларига ҳам инсонийлик юзасидан яхши муомалада бўлишга буюрганлар.

Кунлардан бир куни бошқа дин вакилининг тобутини кўтариб ўтишаётганида Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дарҳол ўрниларидан туриб, ҳурмат кўрсатдилар. Бунга ажабланган саҳобалар: “Эй Расулуллоҳ, ахир у мўмин эмас-ку”, дейишди. Шунда Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “У ҳам инсон”, деб жавоб бердилар. Буларнинг барчаси динимизда инсонга ҳурмат ва бағрикенглик қадрлалишига далилдир.

Миллатлараро тотувлик, динлараро бағрикенгликни таъминлашда маҳалла маслаҳатчиларининг ўрни жуда муҳим. Уларни сайлашда ҳам ўша жойда яшайдиган халқлар-





НАВРЎЗ УМУМХАЛҚ БАЙРАМИ

нинг ижтимоий келиб чиқишига алоҳида эътибор берилади. Бугун юртимизда минглаб маҳалла маслаҳатчилари бўлса, улар орасида ўзбеклар, тожиклар, қозоқлар, қирғизлар ва бошқа халқлар вакиллари бор.

Юртимизда бирор миллатнинг шаъни ёки унинг миллий қадрияти камситилишига йўл қўйилмаслиги қонун билан қатъий белгиланди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 18-моддасида бундай дейилади: “Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи ва миллати, тили, дини ва ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар”.

Асосий Қонунимизда фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари қатъий кафолатланган. Шундай экан, бу муборақ тупроқда яшаётган ҳар бир инсон азиз она Ватанимиз олдидаги фуқаролик бурчларини яхши англаши лозим. Ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиш билан бирга зиммамизда юксак бурч ва мажбуриятлар борлигини ҳам унутмаслигимиз керак.



Ҳар фаслнинг ўрни бор. Аммо ҳеч қайсисини одам баҳорни кутганчалик интиқиб кутмайди.

Аслида, баҳорнинг боши март ойи ҳисобланади. Аммо февралданок кўклам келди дегани. Ҳали қиш тугамай кўкка, сумалакка оғзимиз тегади. Дарахларнинг куртаклари бўртиб қолганини кўриб, яна шу кунларга етганимиздан суюнамиз, бир-биримизни қутлаймиз.

Аллоҳга шуқр, бу йилги баҳор серёгин келди. Демак, мевачевалар мўл бўлишидан, хирмонларимиз донга тўлишидан умид қиламиз.

Қувонарлиси, кўкламда нишонланадиган Наврўз бор. Бу кун бекорга умумхалқ байрами дейилмайди. Чунки Наврўз меҳр-оқибат, саховат, бағрикенглик демақдир. Бу кунни азал-азалдан ота-боболаримиз соғиниб кутишган. Наврўзда худди ҳайит кунлари каби ёлғиз, беморлар, ногиронлар ҳолидан хабар олинади, дастурхонга тансиқ, шифобахш таомлар — сумалак, ҳалим, гўжа, кўксомса тортилади. Баҳор

кунлари деҳқонларимиз



гайратига гайрат қўшилади: ерга уруғ қадашлар, янги ниҳол экишлар бошланади.

Наврўз кунлари халқимиз қир-адирларга, хиёбонларга сайилга чиқади. Улоқ-кўпқари, пойга, кураш, мерганлик каби мусобақалар ўтказилади. Баҳорни ҳар бир халқ ўз урф-одатларига кўра кутиб олади. Наврўз

юртимизда мана шундай шодиёна ва хайрли кун сифатида нишонланаётгани бир-бирига меҳрли, аҳил ва иноқ халқ эканимизнинг яна бир далилидир.

Бу байрамга қатнашган одам эзгу урф-одатларимизни бўй-басати билан кўради. “Йилнинг қандай келиши наврўзидан маълум”, дейди халқимиз. Каттаю кичикнинг кўнглига қувонч берувчи Наврўз байрами барчамизга қутлуғ бўлсин.



ОБИДЛИК ҲАҚИҚАТИ

Бир неча йил Шомда яшаганидан сўнг Имом Жаъфар Содик* (рахматуллоҳи алайҳ) яна Мадинага қайтди. Мадина аҳли имомнинг ташрифини эшитиб, дарҳол ундан илм олишга шошилди. Улар орасида Унвон исми, тўқсон тўрт ёшида ҳам илм ахтаришдан тинмаган одам бор эди.

Жаъфар Содик билан учрашгани, сабоқ олгани ҳақида Унвон ўзи бундай ҳикоя қилади:

«Мен бир неча йил Молик ибн Анас ҳузурда илм олдим. Имом Жаъфар Содик Мадинага қайтганидан сўнг, илм ўрганиш истагида ҳузурга бориб-келиб юрдим. Бир куни менга Имом: “Мен бир мусофир одамман. Кеча ва кундузлари вазифа қилиб олган вирдларим бор. Сенинг келишинг вазифаларимни адо этишдан тўсиб қўймоқда. Моликдан дарс олавер”, деди. Бу сўзларни эшитиб, жуда ғамга ботдим. Расулulloх (соллаллоху алайҳи ва саллам) масжидларига кириб, салом бердим, икки ракат намоз ўқидим ва дуода: “Ё Аллоҳ! Имом Жаъфарнинг қалбини менга мойил қил! Ундан оладиган илмим сабабидан мени ҳидоятга бошла”, деб илтижо қилдим.

Имом Жаъфардан илм олишга иштиёқим кучайганидан Молик ибн Анасникига бормадим. Бир куни аср намозидан сўнг Имом Жаъфарникига бордим. Ҳузурга кириш учун рухсат сўрадим. Ходими чиқиб: “Нима ишинг бор?” деб сўради. Мен: “Имом ҳазратларига саломимни етказ”, дедим. Жавобни кутиб, эшик олдида ўтирдим. Бир оздан сўнг, ходим чиқиб: “Аллоҳнинг баракоти билан кир!” деди. Ичкарига кириб, Имомга салом бердим. У алик олди ва: “Ўтир, Аллоҳ гуноҳларингни мағфират этсин!” деди. Мен ўтирдим. Имом бир оз сукут қилгач, бош кўтариб сўради: “Нима деб чақирай?” Мен кунямни айтдим. У: “Аллоҳ сенга тавфиқ ато этсин”, деди. У менга жуда катта нарсани талаб дуо қилди деб севиндим. Имом: “Нима саволинг бор?” деб сўради. Мен: “Илмингиздан баҳраманд этишингизни Аллоҳдан сўрадим. Аллоҳ таоло дуоларимни ижобат этишидан умид қиламан”, дедим. У: “Илм ўрганишнинг ўзи бўлмайди. Аслида илм бир нур, Аллоҳ таоло уни ўзи ҳидоят этган бандасининг қалбига солади. Агар илм истасанг, олдин ўзингдан обидлик ҳақиқатини ахтар! Шунга амал этиб, илм талабида бўл. Аллоҳдан сенга илмни англатишини сўра, сенга осон қилади”, деди.


Мен: “Эй жаноб!” дедим. У: “Эй Абу Абдуллоҳ, деб айтгин!” деди. Мен: “Эй Абу Абдуллоҳ, обидлик ҳақиқати нима?” дедим. Имом Жаъфар: “Уч нарсададир: банда кул кабидир, ўзини Аллоҳ таоло берган мол-мулклар эгаси ҳисобламайди. Кулда ҳеч қандай мол-мулк бўлмайди; банда барча мол-дунёни Аллоҳ буюрган йўлларга сарф этади; банда Аллоҳ ман этган нарсалардан ўзини сақлайди.

– Банда Аллоҳ унга ато этган мол-дунё билан ўралашиб қолмаса, Аллоҳ буюрган жойларга сарфлаши осон кечади.

– Банда Аллоҳга таваккул қилса, иродали, сабр-бардошли бўлади.

– Банда Аллоҳ буюрган эзгу нарсалар билан машғул бўлиб, қайтарганларидан ўзини тийса, одам-





лар билан муомаласи рийё ва мақтанишдан холи бўлади.

Аллоҳ шу уч нарса билан муқаррам этган бандани дунё, иблис ва омма васваса қила олмайди.

Билмаган нарсангни олимлардан сўра, ҳаргиз таъна қилиш ва синаш мақсадида улардан савол сўрама; ўз раъйинг билан бирон иш қилишдан сақлан, барча ҳолатларда эҳтиёткор бўлишни унутма; фатво беришдан шердан қочгандек қоч, одамлар ортингдан гийбат қилишларига йўлча!

**Абдулҳамид
ТУРСУНОВ**
таржимаси

**Жаъфар Содиқ номи билан машҳур Абу Абдуллоҳ Жаъфар ибн Муҳаммад Содиқ табаъ тобеин, таниқли уламолардан. Ҳижрий 83 (милодий 700) йили Мадинада туғилган. Насаби ота томонидан Ҳазрати Алига, она томонидан эса Ҳазрати Абу Бакр Сиддиққа боради. Тафсири, ҳадиси, фикҳи илмларида пешқадам бўлган. Алломанинг бир неча рисолалари ҳам бор. Тарихий манбаларга кўра, олим Абу Ҳанифа ва Имом Моликнинг устози бўлган. Ҳижрий 148 (милодий 765) йили вафот этган. Жаннатул Бақийъа, отаси Муҳаммад Боқир, бобоси Зайнулобидин, катта амакиси Имом Ҳасан қабрлари ёнига дафн этилган.*

ИСЛОМ ДИНИ ГЎЗАЛ ХУЛҚҚА ЧАҚИРАДИ

“Эй Парвардигор, менинг жисмимни қандай чиройли яратган бўлсанг, хулқимни ҳам шундай чиройли қил”.

Шарҳи: Пайғамбаримиз Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ўзлари жуда ҳам кўркам, гўзал, хушбичим инсон бўлганлар.

“Қасидаи банас-соут”да айтилишича, у кишини кўрган одам новча деб ҳам, пакана деб ҳам айб тополмас эди. Ўрта бўйли, аъзолари ҳартомонлама мукамал, мўтадил, кўркам зот бўлганлар. Шунинг учун ҳам айтяптилар: Эй Парвардигор, менинг вужудимни, қолатимни, жисмимни, аъзоларимни қандай чиройли яратган бўлсанг, хулқ-атворимни ҳам шундай қилгин.

Албатта, Пайғамбаримизнинг (алайҳиссалом) хулқлари ояти каримада: “**Эй Муҳаммад** (алайҳиссалом), **сиз буюк халқ узрадирсиз**”, дея баён этилган.

Ҳа, ул зот энг олий хулқ эгаси бўлганлар. Шунга қарамай, хулқимни янада гўзал, чиройли қилгин, дея Аллоҳга дуо қилмоқдалар.

*Эмас мавжуд ангингдек
гавҳари пок,*

*Далил улдирки кийди
тожи “лавлок”.*

*Ўшал шоҳаншоҳким
шамъи диндур,*

*Анинг парвонаси
Рухул Аминуру...*

(Сўфи Оллоёр)

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) қайси пайт ойнага қарасалар, шу дуони айтардилар. Аллоҳ инсонни “**аҳсани тақвим**” узра яратди. Қуръони каримнинг Тин



сурасида: “**Ҳақиқатан, Биз инсонни хушбичим ва хушсурат** (шаклда) **яратдик**”, дейилади.

Аллоҳ инсонни махлуқот ичидан танлаб олган. Сийратан, сурадан гўзал бўлганидек, ахлоқининг гўзаллиги туфайли камол топади. Ахлоқи бузуқ бўлган кишининг исломиятдан ҳам узоқлиги маълум. Ислом дини гўзал хулқдан иборат. Шундай экан, гўзал хулқли бўлмаган кимса исломиятдан ҳам узоқлашади. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ойнага боқсалар Аллоҳ мукамал ва гўзал қилиб яратган юзларини кўриб: “Хулқимни ҳам гўзал қил”, деб илтижо этдилар. Бу сир туфайли ҳар мўмин Аллоҳнинг гўзал неъматларини кўриб-тасдиқлаши, ҳар гал ойнага қараганида шу дуони ўқиши керак. Бундай қилиш тенгсиз неъматлар берган Аллоҳга шукр ҳисобланади.

Абдулазиз МАНСУР,
Ўзбекистон мусулмонлари идораси
раиси ўринбосари




ГИБРАЛТАР

(Жабали Ториқ яримороли)





Майдони: 6,5 кв. км.
Аҳолиси: 30 000 киши.
Пойтахти: Гибралтар шаҳри.
Тузуми: конституциявий монархия.
Давлат бошлиғи: Британия монархи тайинлаган губернатор.
Пул бирлиги: гибралтар фунт стерлинги.



Жуғрофий ўрни. Буюк Британия мулки ҳисобланган Гибралтар Пиреней яримороли жанубида, денгиз соҳилида жойлашган. Қуруқликда фақат Испания билан чегарадош, қолган қисми Ўрта ер денгизи, Гибралтар бўғози ва Атлантика уммонига туташи. Уни англислар «Мавритания қалъаси» деб ҳам аташади.

Тарихи. Бу ўлкани милоднинг 771 йили мавр саркардаси Ториқ ибн Зайд фатҳ этган. Шунинг учун у Жабали Ториқ (Ториқ тоғи) деб ном олган, оврупаликлар уни ўзларининг тилларига мослаб, Гибралтар дейишади. 1160 йили Мароқаш подшоҳи Абдуллоҳ Маъмун

буйруғи билан Жабали Ториқ шаҳри қурила бошланди. 1462 йили шаҳарни испан аскарлари эгаллаб олишди. Бироқ 1704 йили бошланган уруш натижасида шаҳар британия-ҳолланд флоти қўл остига ўтди. Тўққиз йилдан сўнг, Утрехт сулҳ шартномасига кўра Гибралтар яна Буюк Британияга тобе бўлди. БМТнинг Гибралтарни яна Испанияга қайтариб бериш тўғрисидаги кўрсатмасига жавобан Англия бу ерда 1967 йили умумхалқ сўрови (референдум) ўтказди, лекин мамлакат аҳолиси Испанияга қўшилишни рад этди. Икки йилдан сўнг Гибралтар “Буюк Британиянинг



денгиз орти ҳудуди” мақомини олди. Янги милодий аср бошланганидан буён Испания билан Буюк Британия ўртасида Гибралтар мақомини белгилаш ва уни биргаликда бошқариш бўйича музокаралар қилиняпти.

Иқтисоди. Сайёҳлик, молия ва банк тармоғи, кemasozлик мамлакат иқтисодининг асосини ташкил этади. Гибралтарда солиқлар камлиги боис чет эл сармоячиларига катта имкониётлар бор. Мамлакат ҳудуди кичиклиги ва ер унумсизлиги тўғрисида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари асосан чет эллардан сотиб олинади. Енгил, озиқ-овқат саноати корхоналари бор.



Иқтисодиётнинг ўттиз фоизи хусусий тармоқ вакиллари қўлида. Чет элга асосан энергия воситалари ва халқ истеъмоли моллари сотилади. Кўпроқ озиқ-овқат, кенг истеъмом товарлари сотиб олинади. Буюк Британия, Португалия, Испания, Нидерландия, АҚШ, Олмония унинг савдодаги асосий шерикларидир.



Аҳолиси. Яриморолда аҳоли анча зич яшайди: бир квадрат километрга тўрт ярим минг киши тўғри келади. Аҳолиси асосан италянлар, инглизлар, испанлар ва португаллардан иборат. Инглиз тили расмий давлат тилидир.

Дини. Гибралтарликларнинг етмиш беш фоизи католик динида, ўн фоизи мусулмонлар, саккиз фоизи англикан черкови тарафдорлари ва икки фоизи яҳудий динида. Қадимда мусулмон ҳукмдорлар қурдирган бир неча масжид қисман сақланиб қолган. Мамлакатда истиқомат тутган мусулмонларнинг эркин ибодат қилишлари, ди-

ний билимларни эгаллашлари, адабиётлар билан танишиб боришлари учун имкониятлар бор. Андалусия ўлкасида илм-фан ривожини юксак чўққига чиққанида Гибралтар ҳам исломий илм ва маданият тараққиётидан баҳрасиз қолмаган эди. Ҳозир бу ерда яна Ислом маданияти ривожланиб борапти. Мамлакат пойтахтида янги жомеъ масжиди қуриб битказилиши шундан далолат беради.

Аҳмад ТУРСУН



Манбалар:

1. «Страны мира», справочник. Москва, 2003 г. стр. 44–46.
2. «Атлас мира», справочник. Москва, 2003 г. стр. 40–41.
3. Интернет сайтлари.



Новдалардаги бўртиб турган куртаклар гулласа, одамнинг юраги қувончдан кўксини ёриб чиққудай бўлади. Қаттиқ ерни ёриб бойчечак кўринса, ариқларнинг бўйини ялпиз ҳидлари тутса, хуллас табиат жонланса, инсон ҳам ҳаракатга келади. Бу ҳол табиатнинг бир қисми эканимизнинг исботидир. Шунинг учун ота-оналаримиз бизни атрофимиздаги оламни асраб-авайлашга ўргатишган. Улар ҳар доим: “Ким сувга туфласа ё ахлат ташласа, шабкўр бўлади; қушларга озор берса, ўзига қайтади; дарахт шохларини синдирганнинг

Бугун пойтахтни, умуман, юртимизни ободонлаштириш, кўкаламзорлаштиришга катта эътибор берилляпти. Биргина мисол, пойтахт ҳуснига ҳусн қўшиб турган Ҳазрати Имом мажмуасини олайлик. Майдони сал кам ўн гектар. Фаррошлар тонг саҳарлаб йўлақларни супириб-сидиришади. Усталар сал нураган жойни дарров таъмирлашади. Мажмуа ҳовлисида 3350 туп манзарали дарахт ва ҳар хил гуллар ўстирилади. Хуллас, боғбону фаррошлар қишин-ёзин тиним биллишмайди. Бу ерга ҳар куни турли хорижий дав-

КУННИНГ КЎЗИ ОЧИЛДИ

қўли синади” каби сўзларни қулоғимизга қўйишарди. Бу гапларига ишонардик ва ариққа ахлат тўкишдан, мевали дарахт шохларини синдиришдан эҳтиёт бўлардик. Ўша вақтлар ариқлардан бемалол сув ичса бўларди. Чунки сувга ҳеч ким чиқинди ташламасди. Гоҳо ариқлардан сув ичиш у ёқда турсин, қўл ювишга ҳам ботинолмаймиз...

Мана, баҳор ойлари бошланди. Яна ернинг юзи очилди. Чиқиндилар ётган ариқларда дарахтларнинг қурвақачопон босган шохлари кўриниб қолди. Ақл-фаросатли, удумларини маҳкам ушлайдиган юртдошларимиз аллақачон атрофни, ҳовли-жойларини тозалаш ишларини бошлаб юборишган. Афсус, фасллар алмашаётганини ҳис этмай, ҳали қиш уйқусидан уйғонолмаганлар ҳам йўқ эмас. Баҳор ойларида баъзи шаҳарларимиз, жумладан, пойтахтнинг ичкарироқ маҳаллаларида дилни хира қиладиган манзараларга баъзан кўз тушади. Дейлик, қор-ёмғирда ивиган, қорайиб бир аҳволга келган хазонлар, махсус қутилар ўрнатилганига қарамай, айрим кўчаларда елим халталарга солинган ахлат уюмлари... Буларни олис жойдан келиб, биров ташлаб кетмаган. Болаларимизни дуч келган жойга ахлат ташламасликка ўргатайлик.



латлардан меҳмонлар келишади. Шундай гўзал ёдгорликларимиз борлигидан ҳайратланишади. Аммо айрим ёшларимиз мажмуа ўриндиқларига ўтириб олиб, папирос чекишади, писта чақишади. Музқаймоқ қоғозини, сув идишларини тўғри келган жойга ташлаб кетаверишади. Баъзан мажмуа майдонида “тўй олди сайру саёҳати-га” чиққан келин-куёвларни учратамиз. Улар ҳам боғбонлар кафтида асраб-авайлаб ўстирадиган гуллар ва майсаларни тепалаб-босиб суратга тушишади. Мажмуанинг обод ва гўзал бўлиши учун қанча-қанча одамлар меҳнат қиляётганини ҳис этишмайди. Бу борада ҳам болаларимизга ибрат бўлмоғимиз, уларга бировларнинг меҳнатини қадрлашни ўргатишимиз керак. Уйингизга келган меҳмон ҳовлингиз саранжомлиги, ўчоқбоши озодалигига қараб, дид-фаросатингизга баҳо берди. Шунингдек, юртимизнинг жамоли, кўчаларимизнинг саришталлиги ҳам бизнинг қай даражада маданиятли эканимизни кўрсатади.

Ер, сув, ҳаво ва тупроқ Аллоҳнинг баҳоси йўқ неъматлари. Буларни фақат озодалик кўрғонида, меҳнат ва меҳр билан асрашимиз керак. Берган Аллоҳнинг Ўзи уларни олиши ҳам мумкин. Не-не халқлар тақдирида бундай ҳолни ҳам кўриб турибмиз.

Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бир ҳадиси шарифда марҳамат қилганлар: “Аллоҳ таоло яхшилик қилувчидир, яхшилик қилувчини севади; Аллоҳ таоло покдир, покликни яхши кўради; Аллоҳ таоло марҳаматлидир, олижанобликни яхши кўради; Аллоҳ таоло карамлидир, сахийликни яхши кўради. Ҳовлиларингизни тоза тутинглар...” (Имом Термизий). Ушбу ҳадиси шариф ўзимизни, атрофимизни тоза тутиш билан Аллоҳ ризолигига эрушувимиз мумкинлигига далолат қилади.

Куннинг кўзи очилди деб теша, супурги, яна нималардир кўтариб, ҳовлига, боғчага чиқдикми, демак, хоҳишимиз бор, кўнглимиз уйғоқ...

Кутлибека РАҲИМБОЕВА

ЭНГ КУЧЛИ, ЭНГ НОЗИК АЪЗО

Аллоҳ таоло одам боласига ато этган барча аъзолар қадрли. Аммо улар орасида юракнинг ўрни бўлакча. Илгарилари табиблар бемор саломатлигини билиш учун билагини ушлаб, юрак уришини текширишган. Аслида ҳар қандай аъзомизнинг шифосини узоқлардан эмас, ён-атрофимиздан, тўғрироғи, табиий воситалардан ахтариш керак.



Ҳеч эътибор қилгансизми, кўриниши буйракка ўхшаган ливиядан буйрак, мияга ўхшаган ёнғоқдан мия озикланади. Ўрик меваси юракни эслатади, демак, ўрик еб, унинг шарбатини (ҳақиқийсини, албатта) ичсангиз, юрак куч олади, деган ҳақимлар фикрида жон бор.

Лекин юракни фақат ўрик меваси ёки бошқа йўллар билан асраб бўлмайди. Бу борада ҳам ҳаммаша шифокор маслаҳати жуда зарур.

Ёши улуглар дастурхон бошида: «Қўлу кўзимиздан кўймасин», деб дуо қилишади. Бу ҳам яхши истак. Одам ўзи кўпроқ кўриниб турган аъзоларини парваришлайди. Қачон ҳолсизлансагина, юраги чарчганини сезади. Аслида ундаги камчиликлар бирданига пайдо бўлмайди. Камҳаракат бўлиш, тартибсиз овқатланиш, чекиш, спиртли ичимликлар ичиш ва бошқа сабаблар билан юракни ёғ босади, қон томирларида тиклмалар пайдо бўлади. Ҳалдан

ташқари зўриқиш, асабийлашиш ҳам юракка оғир. Баъзилар ундаги ўзгаришларни сезса ҳам, «юрагим ўйнапти», «санчяпти» деб парвосиз юраверади. Яна қаердадир эшитиб қолган «маслаҳатлар» билан ўзларича даволанувчилар бор. Лекин биз шифокорлар беморларга, айниса, юраги касалларга ўзбошича даволанишни тавсия қилмаймиз.

Юрак танадаги энг кучли ва энг нозик аъзодир. Уни даволашни ҳар кимга ва ҳар нарсага ишониб бўлмайди.

Санаторийимизда юрак ва асаб тизими хасталиклари даволанади. Барча бўлимларимизда соҳасининг билимдонлари ишлашади. Эҳтимол, энг замонавий тиббий жиҳозлар бошқа жойларда ҳам топилар, аммо соф маъданли сув тўлғазилган ҳовуз фақат бизнинг сиҳатгоҳда бор. Шу боис бирданига 300 кишини даволаш имкони бўлган шифохонамизга ҳатто чет элликлар ҳам келишади. Албатта, бу ерда ўтадиган икки-уч ҳафта муддат юракни яхши даволаш учун озлик қилиши мумкин. Лекин уни бир оз «дам олдириб, таъмирлаб» олишга етади, деб ўйлайман.

Бунинг устига, эрталаб тоза ҳавода енгил югуриш, пиёда юриш, кечкурун уйку олди-дан айланиш, хушманзара жойларга саёҳатга чиқиш қабилад ҳам юракка қувват беради.

Кўксимизда «дук-дук» ураётган, қувонч-қайғумизда шерик бўлган, муштдеккина бу аъзомиз бир зум тиним билмайди. Шундай экан, юрагимизни доим асрашимиз керак.

Гулнора ФАТҲУЛЛАЕВА,
«Турон» сиҳатгоҳи кардиология бўлими мудираси, олий тоифали шифокор

Аллоҳ таоло инсонга ақлу идрок ато этиб, барча махлуқлардан афзал қилди. Пайгамбарлар ва илоҳий китоблар орқали икки дунё саодатига эришиш йўлларини ўргатди. Залолатга бошловчи ишлардан қайтарди.

Қуръони каримда Пайгамбаримизга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): **“Эй, инсонлар! Мен сизлар учун аниқ огоҳлантирувчидурман, холос”** (Ҳаж, 49), дейиш буюрилган.

У зот (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) инсоният жаҳолат ботқоғига фарқ бўлиб, ўз қиёфасини йўқотиб бораётган даврда пайгамбар қилиб юборилди. Зулматни ҳидоят нури билан ёритдилар. Инсонга фақат имонгина чин маънода бахт

ОГОҲЛИК ДАВР ТАЛАБИ

бера олишини ҳикматли сўзлари, ибратли ҳаётлари билан ўргатдилар.

Одамлар орасида яхшиликларни ёйиш, ёмонликларнинг олдини олишга гайрат қилиш керак. Имони бутун инсон ён-атрофга ҳар доим ҳушёрлик билан боқади, жамиятда юз бераётган воқеа-ҳодисалардан тегишли хулосалар чиқаради.

Хузур-халоватни ўйлаб, бировлар ҳақида қайғурмайдиган кимсалар динимизда қаттиқ қораланади. Аллоҳ таоло:

“...Уларда қалблар бор, (лекин) улар билан “англамайдилар”. Уларда кўзлар бор, (лекин) улар билан “кўрмайдилар”. Уларда кулоқлар бор, (лекин) улар билан “эшитмайдилар”. Ана ўшалар хайвонлар қабиридлар. Балки, улар (янада) адашганроқдирлар. Айнан ўшалар гофиллардир”, дейди (Аъроф, 179).

Пайгамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Беш нарсани беш нарсдан аввал ганимат билинг! Соғлиқни бемор бўлишдан олдин, ёшлиқни кексалиқдан олдин, бойликни фақирликдан олдин, хотиржамликни машгул бўлишдан олдин ва ҳаётни ўлимдан олдин”, деганлар.

Бугунги тинчлик ва хотиржамлигимизга бепарво бўлмай, қадрига етайлик, асраб-авайлайлик!

Абдулҳай ТУРСУНОВ,

Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг Наманган вилоятидаги вакили

ИСЛОМ ВА ОЛАМ



Ғалаба байроғини қадаган аскар



1945 йил май ойида Берлиндаги Рейхстаг биноси устига ғалаба байроғини қадаган доғистонлик қаҳрамон аскар Абдулҳаким Исмоилов 95 ёшида вафот этди. Абдулҳаким она қишлоғидан фронтга жўнаганида 19 ёшда эди. У разведкачи сифатида барча фронтларда жанг қилди.

Совет даври тарих дарсликлариди Ғалаба байроғини Егоров билан Кантария исмли аскарлар қадашгани ёзилар эди. Аммо 1996 йили ҳақиқат ойдинлашди. Рейхстаг томига байроқ тикаётган жангчининг машҳур суратини олган фотомухбир Евгений Холдей бу ишни ким қилганини ойнаижаҳонда аниқ айтиб берди. Ўша йили Абдулҳаким Исмоиловга Россия қаҳрамони унвони берилди.

Абдулҳаким Исмоилов содда, камсуқум инсон, халқига, Ватанига садоқатли мусулмон эди.

Ислום тадқиқот марказлари анжумани

Истамбул шаҳрида Ислום Конференцияси Ташкилотига аъзо мамлакатлар тадқиқот марказларининг халқаро анжумани бўлиб ўтди. Тадбирда ташкилотга кузатувчи мақомидаги мамлакатлар вакиллари ҳам иштирок этишди.



Анжуманда ИКТ бош котиби Акмалуддин Эҳсонўғли Ислום олами билан Фарб ўртасида алоқалар тобора мураккаблашаётган ҳозирги бос-

қичда тадқиқот марказларининг ўрни ва аҳамияти ҳақида гапирди. У тадқиқот марказлари олимларини янги ғояларни, жойлардаги аҳволни ўрганиб, муаммолар ечими юзасидан энг яхши таклифларни илгари суришга чақирди.

Икки кун давом этган анжуманда тинчлик ва хавфсизлик, Ислום билан қўрқитиш (исламофобия)га қарши кураш, демократия, инсон ҳуқуқларига доир турли масалалар муҳокама этилди.

Японияда Ўзбекистон тарихига қизиқиш

Ўзбекистоннинг Япониядаги элчихонаси япон олимлари билан ҳамкорликда Мовароуннаҳрда Ислום дини тарихи, ўзбек-япон маданий алоқаларини ўрганишга бағишланган илмий анжуман ўтказди. “Жаҳон” ахборот агентлиги хабарига кўра, “Ўзбекистондаги қадимги тамаддун марказлари ва динлар тарихи: япон маданияти илдизларини излаб” мавзусидаги анжуман пойтахт Токио шаҳри “Тоёи” университетининг маданият саройида бўлиб ўтди.

Анжуманда Ўзбекистон Фанлар академиясининг япон олимлари билан бирга юртимизда олиб борган қадимшунослик қазилмалари натижалари, Буюк Ипак йўлидаги кўҳна маданият марказлари ҳақида батафсил маълумот берилди.

Ақлни ишонтирадиган дин

Бруней-Доруссалом султонлиги (жануби-шарқий Осиё) Белаит ўлкаси Ислום маданият марказида маҳаллий туб жой аҳоли (аборигенлар) – “денгиз даёқлари”дан ўн





кишининг Исломни қабул қилганига бағишланган маросим ўтказилди. Марказ раҳбари Ҳожи Сити Раҳмабте Ҳожи Жулаиҳи айтишича, тубжой аҳоли (аборигенлар) вакиллари динимизнинг чинакам инсонпарварлик моҳиятини англаб мусулмон бўлишяпти.

Эслатиб ўтамиз, Бруней-Доруссалом султонлиги аҳолиси 388 минг киши. Шундан 66 фоизи мусулмон малайлар бўлса, 8 фоизи уларга қондош борнеолик туб жой аҳоли – “денгиз даёқлари”, келаянлар, меланау ва бошқа қабилалар вакиллари дидир. Аҳолининг қолган қисмини хитойлар, оврупаликлар, ҳиндулар ташкил этишади.

Қуръони карим маънолари латиш тилида



Латвия сейми депутати Имантс Калниниш Қуръони карим маъноларини латиш тилига таржима қилди. Ҳозир ушбу таржима нашрга тайёрланмоқда.

Имантс Калниниш “Новая неделя” дастурига берган суҳбатида латвияликларнинг ҳозиргача Ислом дини ҳақида жуда оз нарса билишларини, аллақачон мамлакатда масжид қуриш вақти келганини таъкидлади.

Деҳли анжумани

Мусулмон олимлари халқаро уюшмаси шарқ динларига эътиқод қилувчи халқлар билан мулоқот ва алоқалар йўлга қўйилишини маълум қилди. Ана шу мақсадда уюшмага аъзо бўлган осийлик Ислом олимларининг Ҳиндистон пойтахтида халқаро анжумани ўтказилди. Тадбир ташкилотчилари айтишича, анжуманга индус, будда, сикх каби шарқ динлари вакиллари таклиф этилди.



Мусулмон олимлари халқаро уюшмаси раҳбари Юсуф Қарзовий:

“Осийдаги кўпчилик мусулмонлар турли динлар вакиллари билан ёнма-ён яшашади. Фарбнинг баъзи бузғунчи кучлари улар орасига соладиган фитналарнинг олдини олиш, ҳаётлари доимо аҳил-иноқ кечишини таъминлаш муҳим вазифамиздир”, дея таъкидлади.

Украина мусулмонлари уюшмаси мукофотланди

Жамоат ташкилотлари Бутунукраина уюшмаси “Алраид” мамлакат академиялараро иттифоқи амалга оширган “Достояние” халқаро лойиҳасининг фан ва маданият йўналиши бўйича голиб деб топилди. Шу муносабат билан Ялтадаги машҳур Ливадий саройида уюшмага мукофотни топшириш маросими бўлиб ўтди.



1997 йили тузилган “Алраид” уюшмаси мамлакатнинг турли шаҳарлари мусулмонларининг йигирмата ташкилотини бирлаштиради. Украиналиклар орасида Ислом дини ҳақида тўғри маълумотларни ёйиш, маданиятлараро, динлараро яхши мулоқотларни йўлга қўйиш, Украина мусулмонлари маънавиятини юксалтириш Украина билан Ислом шарқи ўртасида ҳартомонлама фойдали алоқалар ўрнатиш “Алраид” уюшмаси фаолиятининг энг муҳим йўналишларидир.

Тинчлик битими имзоланди

Ислом Конференцияси Ташкилоти бош котиби Акмалуддин Эҳсонўғли Судан ҳукумати билан Дарфур мустақиллиги тарафдори адолат ва тенглик ҳаракати ўртасида тинч-тотувлик битими имзолаганини табриклади. Бош котиб Доха шаҳрида Судан, Чад ва Эритрия президентлари иштирокида нутқ сўзлаб, музокараларни муваффақиятли ўтказгани учун Қатар амирига миннатдорлик билдирди. Шунингдек, у Судан президенти Умар ал-Баширининг келишувга эришиш йўлидаги саъй-ҳаракатини, Чад президенти Идрис Дабининг ташаббусларини юксак баҳолади.



ИКТ бош котиби яқин орада Миср пойтахти Қоҳира шаҳрида Дарфурда тиклаш ишла-

рини моддий таъминлашга қаратилган хайрия тадбири ўтказилишини, бир миллиард доллар сармояли Дарфурни ривожлантириш банки очилишини маълум қилди.

Полшада Ислom маданияти маркази очилди



Полша мусулмонлари лигаси мамлакат пойтахти Варшава шаҳрида Ислom маданияти маркази қурилишини бошлади. Уч қаватли иморатнинг баландлиги 18 метрли минораси ҳам бўлади.

Полша мусулмонлари лигаси раҳбари Самир Исмоил айтишича, марказда хонақоҳдан ташқари, замонавий кутубхона, кўргазмалар зали, ошхона ва дўкон ҳам ишга туширилади.

Ҳозир Полшада 40 мингдан ортиқ мусулмон бор. Улар асосан поляк, татар, араб, турк, фаластин халқлари фарзандларидир. Мамлакат мусулмонларининг каттагина қисми – 13 мингга яқини Варшавада яшайди. Ҳозир Полша ҳудудида тўртта жомеъ ишлаб турибди. Улардан бири 1993 йили қурилган. Ушбу масжид мамлакатдаги бошқа диний ташкилот – Полша мусулмонлари уюшмаси тасаруфидадир.

Ирландия президентининг айтганлари



Ирландия мусулмонлари жамоаси ҳар йили “Ислom билан танишув ҳафталиги” ўтказишади. Ана шу ҳафталик якунларига бағишланган тадбирда мамлакат президенти Мери Макэлис иштирок этди. У мамлакат мусулмонларини: “Ислom динининг эзгу ниятли элчилари”, деб таърифлади. “Мусулмонларнинг ирланд жамияти ва мамлакат иқтисодиётига ўта ижобий ҳисса қўшаётганларини тан олишимиз керак”, дея таъкидлади президент қироллик жарроҳлар коллежиде ўтган маросимда. Шунингдек, Мери Макэлис мусулмонларнинг Ирландия билан Ис-

лом олами ўртасидаги муносабатлар яхшиланишига таъсирини юксак баҳолади.

Мусулмон олималар анжумани

Эрон пойтахти Техрон шаҳрида мусулмон мамлакатлари олималарининг биринчи халқаро анжумани бўлиб ўтди. Икки кун давом этган тадбирда дунёнинг ўттиз етти мамлакати вакиллари иштирок этишди. Анжуманнинг очилиш маросимида Эрон президенти рафиқаси, мамлакат илм-фан вазири бугунги тезкор ривожланиш шароитида хотин-қизларнинг ўрни ҳақида гапиришди.

Анжуманда хотин-қизлар саводхонлиги, уларнинг жамиятдаги фаоллиги, она ва бола ҳуқуқи каби масалалар муҳокама қилинди.



Андалусияда суратга олинади

Машҳур кинорежиссёр Антонио Бандерас Испаниянинг охириги мусулмон ҳукмдори – Гранада султони Муҳаммад Боабдил XII ҳақида бадиий филмни суратга олишга тайёргарлик кўряпти. У филм сценарийини ҳам ўзи ёзмоқчи, рол ҳам ижро этмоқчи.


Бандераснинг ҳозир Малага шаҳрида жойлашган “Green Moon” ширкати 2012 йили Андалусия туманида суратга олиш ишларини бошлайди. Филмни суратга олишга режиссёрлардан Антонио Солер ҳам ёрдамлашадиган бўлди.



“Оврупада энг чиройли минора”

COJER халқаро ташкилоти, мусулмонлар ижтимоий аҳиллиги Оврупа кенгаши ва Британия кенгаши “Оврупада энг чиройли минора” фотосуратлар танловини эълон қилишди.

COJER ташкилоти хабарига кўра, кейинги пайтларда оврупаликларнинг Ислom дини қадриятларига ёндашувида ёт кўриш, хавфсираш ҳолатлари кузатиляпти. Шу боис минтақада турли миллатлар ва динлар вакил-



ҲАЗРАТИ ҚУСАМ АТОЙИ

ларининг ўзаро иноқлигига, бир-бирларини ҳурмат қилишларига алоҳида эътибор бериш жуда муҳимдир. Бундай кўрик-танловни ўтказишдан мақсад ғарбнинг айрим оммавий-ахборот воситалари Исломи дини ва му-



сулмонлар тўғрисида бузуқ талқинларни тарқатишлари боис Ғарб одамларида уйғонган хавфсираш, чўчиш, ташвишланиш ҳолатларининг буткул асоссиз эканини кўрсатишдир.

Кўрик-танлов 2010 йилнинг 15 апрелигача давом этади. Суратларнинг бадий савиясини махсус ҳайъат аъзолари баҳолашади. Голиблар 20 апрел куни эълон қилинади. Энг яхши суратлардан Оврупа кенгашида кўргазма ташкил этилади.

Улуғ мутасаввиף Хожа Аҳмад Яссавийнинг эвараси Муҳаммад Машҳур Хожа Атоийи ўғли Қусам Шайх (милодий 1198–1338) Яссиди туғилган бўлса ҳам, умрининг деярли юз йилини ҳозирги Қашқадарё вилояти Косон туманидаги Пудина қишлоғида ўтказди. Қусам Атоийининг Пудинада қолиб кетишига укаси Исҳоқ Муҳаммаднинг чингизийлар билан жанг қилиб, Ўрта Булоқ чўлида (ҳозирги Миришкор тумани) вафот этгани сабаб бўлади.

Ҳазрати Қусам она томонидан Аҳмад Яссавийнинг невараси Гавҳар Шаҳноз бегимдан, ота тарафидан бухоролик Ҳусайн Шайх авлодидир. Оилада беш ўғил бор эди. Тўнғич ўғил Қусам икки укаси билан, олис юртларда йигирма йил таълим олиб, қайтишда Пудинага қўнади ва бир умр шу ерда қолиб кетади. Буюк Ипак йўли бўйида жойлашган Пудина қишлоғи Ҳазрати Қусам яшаган даврларда айниқса гуллаб-яшнади. Масжид, мадраса, карвонсаройлар, савдо тимлари, ҳаммом ва меҳмонхоналар мунтазам ишлаб турар, мадрасаларда талабалар таълим олишар эди. Пудинада хатотлик мактаби бўлиб, қаерда янги асар битилса, албатта бир нусха олиб келтирилар ва нусха кўчириб-кўпайтирилар эди.

Пудинанинг маданий марказ бўлишида Ҳазрати Қусамнинг хизмати катта. Бу марказда илм олганлар кейинчалик Исломи маданияти ривожига катта ҳисса қўшишди. Айниқса, Саййид Амир Кулол, Шамсиддин Кулол, Хўжа Ориф Деггароний, Баҳоуддин Нақшбанд ва бошқа улуг-



ларнинг Пудина мактабида таълим олишганини таъкидлаш керак..

Ҳазрати Қусам ҳақида Абдураҳмон Жомий “Нафаҳотул унс” асарида маълумот бериб: “Муҳаммад Қусам Атоийи туркий шайхлардан бўлиб, Аҳмад Яссавийнинг авлодидандур, Баҳоуддин Нақшбандийнинг устозидур”, дея қайд этса, Алишер Навоий “Насойимул муҳаббат”да шайхнинг авлиёлик мақомига етганини айтади. Алишер Навоий ҳазратлари Баҳоуддин Нақшбанднинг Қусам шайх ҳузурига келиши ва суҳбатларига доир қизиқарли далиллар келтиради.

Саййид Амир Кулол шогирди Хожа Баҳоуддинга бир муддат таълим бериб, сўнг Пудинага, Ҳазрати Қусам ҳузурига боришни буюради. “Ўзимдаги барча билимларни бериб бўлдим, энди Насаф томонларга бориб, Қусам ва Халил оталардан таълим оласиз”, дейди.

Ҳазрати Қусамнинг мударрис сифатида ҳадис мактабига асос солганини ҳам таъкидлаш керак. У зотнинг саъй-ҳаракати туфайли Пудина маърифатхоналарида минглаб кўлэмалар тўпланади. Афсус, ўтган асрнинг ўттизинчи йиллари уларнинг кўпчилиги йўқолган. Сақланиб қолганлари тадқиқ этилса, Ҳазрати Қусам шайх ва Пудина ҳадис мактаби ҳақида янада тўлароқ маълумотга эга бўламиз, иншааллоҳ.

Аслиддин ТОЖИДДИНОВ,
Косон тумани “Қусам ота”
жомеи имом-хатиби



Умида АБДУАЗИМОВА

Ҳар борада ёқланар саховатлилар

Марваридларим

* * *

Ҳақни айтиб, қай кўнгилга ким аччиқ тегар,
Тўғри гапга улуғлар ҳам бошини эгар.
Билдим: тўғри киши қайда бўлмасин,
Серҳосил яхшилик дарахтин экар.

* * *

Душман билан сафлашсанг, қочар дўстларинг,
Ошкор бўлар сириг, каму кўстларинг.
Оқибатин ўйлаб гар бошласанг ишни,
Кўзинг қувнар, доим ёруғ бўлар юзларинг.




* * *

Ҳирсдан пок қил кўнглингни, роҳат топарсан,
Хор-зорлик кўрамассан — тоқат топарсан,
Мулоимлик дарахтининг сояси — соғлик,
Насибангга лойиқ ош-овқат топарсан.

* * *

Узоқ умр кўришнинг сабаби недир? —
Ғарибу хасталарни миннатсиз едир.
Ҳасаддан парҳез қилиб, гина сақламай,
Тамагирлик иллатин қатагон эттир.



* * *

Ақлинг далили — фикр, фикринг сукутдир,
Сабр-тоқатинг — шукр, шукринг сукутдир.
Устмонлик қилса биров сўзамол сенга,
Сукут билан “мақтан”, бу ҳам ўғитдир.

* * *

Халқ кўнглида сақланар саховатлилар,
Ҳақ йўлида чархланар саховатлилар.
Улуғ мақсад йўлида сафарбар бўлса,
Ҳар борада ёқланар саховатлилар.

* * *

Беҳуда сўз яширин айбларни очар,
Адоватни кўзготар, дўст нари қочар.
Сўз — фазилат далили, ақл кўзгуси,
Қисқа, маъноли сўз дилга нур сочар.



Ҳабиба БУРҲОН қизи

Табиат, онажоним...

Тўлин ой юзим менинг,
Чақнар юлдузим менинг.
Юрагим парча булут,
Табиат ўзим менинг.

Камалак — кулгуларим,
Қаҳратон — қайгуларим.
Мовий денгиз мавжлари —
Қалбдаги туйгуларим.

Тупроғинг жисму жоним,
Дарё томирда қоним.
Аллоҳим табиатдан
Яратмиш йўғу борим.

Табиат, онажоним,
Сен доим ардоғимда.
Сени севиб, авайлаб
Асрайман қароғимда.

Фардлар

* * *


Тун ва кун бир-бирин қувган сингари
Қадамнинг доим ташла илгари.

* * *

Олиб ташла йўлдан тошу тиканни —
Ўзингга яқин қил жаннат маконни.

Фаллаорол





Ҳасан МУҲАММАД АМИН ўғли

Дуо олгин

Узоқ умр кўрай десанг, дуо олгин,
Соғу омон юрай десанг, дуо олгин,
Бахтдан қаср қурай десанг, дуо олгин,
Дуо олгин отанг бирла онангдан сен.

Саодатли бўлмоқ учун дуо керак,
Ойдек яшнаб, тўлмоқ учун дуо керак,
Манзил бориб, қулмоқ учун дуо керак,
Дуо олгин отанг бирла онангдан сен.

Аминий дер: шошиб ўтар замоналар,
Ғаниматдир бизларга ота-оналар,
Хизматида қила кўрма баҳоналар,
Дуо олгин отанг бирла онангдан сен.



Тўртликлар

* * *

Ватан она дея таърифланар хўп,
Ватан муқаддасдир, тупроғини ўп.
Ватанда озодсан, шод, шукрли бўл,
Онасин унутган дарбадар ҳам кўп.

* * *

Оламдан ўтади номард ҳам, мард ҳам,
Ёмондан йироқ юр, юқмасин гард ҳам.
Фақат ўз-ўзингдан сўрагин, одам:
Сен кимнинг дардига бўлолдинг малҳам?



Ғийбат ёмон

Бошга тушса ҳар нечук кулфат ёмон,
Бемехр бўлса, билинг, улфат ёмон,
Ноаҳллар базмида суҳбат ёмон,
Суҳбат ичра, дўстларим, ғийбат ёмон...

Сўзласанг ёлгонни, обрўйинг кетар,
Тилга эрк берсанг, охир бошга етар.
Чин сўзинг, меҳринг деб эл эъзоз этар,
Қилма асло кимсага — тухмат ёмон.

Қулмагин ҳаргиз бировнинг ҳолига,
Балки тушгайсан унинг аҳволига.
Кўз олайтиб, қўл узатма молига,
Ҳақ тутар — бўйнингда бу иллат ёмон.



Тайлоқ туманидаги “Хўжа Ориф”
жомеъ масжиди имом-хатиби

Муҳаммаджон ИБРОҲИМОВ

Луқмони Ҳаким насиҳатлари

Англатай деб ҳаёт ҳақиқатини
Луқмон ҳаким бошлар насиҳатини:

Эй ўғлим, яратган Аллоҳни тани,
Онангни эъзозла, ҳурмат қил ани.

Айтганингга олдин ўзинг амал қил,
Шукрни, сабрни ишга тамал қил.

Исбот-далил билан гапир сўзингни,
Ҳаё қил, пок тутгин оёқ-қўлингни.

Ёшлик бир хазина, катта имкондир,
Қадрига етмасанг, заҳмат, зиёндир.

Ўзингга инсофли, содиқ дўст танла —
Турсин оғир-енгил кунингга сан-ла.



Ҳеч кимга ёмонлик кўрмагин раво,
Йўлингда тузоқдир нафс ила ҳаво.

Устозга фарзанддек хизматлар қилгин,
Ҳадингдан ошма ҳеч, ўртача бўлгин.

Қариндошни узма қариндошидан,
Болангга одоб бер гўдак ёшидан.

Ғазабинг ичга ют, койимагин кўп,
Ҳақсиз ола кўрма қуш оғзидан чўп.

Кун чиққунча ётма — ризқинг кесилар,
Тананг оғирлашар, руҳинг эзилар.

Худодан қўрқ, мудом гайратга эш бўл,
Инсонларга то нафинг тегсин мўл.

Чуст тумани Шоён қишлоғи



СЕҲРЧИННИНГ ШЕРИГИ ҲАСАДЧИДИР

“Сеҳр” сўзи алдаш, фитнага солиш, ақлни ўғирлаш маъноларида келади. Қадимда ҳам сеҳр қилувчилар қалбга ёвузлик уруғини сочиш, эрхотин ўртасини ажратиш ва оға-инилар орасига адоват солиш каби бузғунчиликлар билан шуғулланган. Динимиз сеҳрнинг ҳар қандай кўринишини қоралайди. Салаф уламолар унинг ҳалокатли зарарларидан огоҳлантириб, инсон сеҳрчиларнинг ишига маҳлиё бўлмаслиги керак, дейишади.

Тафсир китобларида «Сулаймон (алайҳиссалом) замонида баъзи сеҳрчилар пайгамбарлик даъво қилишгани келтирилади. Ҳатто улар Сулаймон (алайҳиссалом) мўъжизаларини сеҳр деб инкор этишгача боришади. Шундан сўнг Аллоҳ таоло сеҳр билан мўъжизанинг фарқини билдириш учун Ҳорут ва Морут исмли фаришталарни туширган. Улар инсонларга: **«Бу нарса сеҳрдир, уни**



ўрганиб кофир бўлма...», деб огоҳлантиришган.

Фиръавннинг сеҳрчилари водийни гўё судралаётган “илонлар”га тўлдиришганида, Аллоҳнинг амри билан Мусо (алайҳиссалом) ташлаган ҳасса аждарҳога айланади ва “илонлар”ни ютиб юборади. Бу воқеа ҳар қандай сеҳр илоҳий мўъжиза олдида ҳеч нарса эмаслигини намоён этди. Аслида, Аллоҳ таолонинг изнисиз ҳеч нарса таъсир этмайди. Бу ҳақда Аллоҳ таоло: «... (Лекин) **улар Аллоҳнинг изнисиз ҳеч кимга зарар еткази олишмайди**», дейди (Бақара, 102).

Аллоҳга шукр, кўпчилик юртдошларимиз сеҳрнинг қандай зарарли эканини билишади. Аммо ҳозир ҳам сеҳрчилик қилишдан, ёмон ният билан сеҳрчига боришдан қўрқмайдиганлар топилади. Улар ҳам гап-сўзларини одатда имон ва Исломдан бошлашади. Сўнг секин-секин иссиқ-совуқ ва бошқа ношаръий ишларга нафсни қизиқтириб, йўлдан оздиришга ўтади.

Имоми Аъзам (раҳматуллоҳи алайҳ): «Сеҳрчининг сеҳри маълум бўлса, у жазоланади ва тавбаси қабул қилинмайди», деганлар. Қуръони каримда: **«...Ва ҳеч фойдасиз, билъакс зарарли нарсаларни ўрганади-**

лар. Ахир (Аллоҳнинг китоби ўрнига сеҳрни) **алмашган кимсаларга охиратда ҳеч қандай насиба йўқ эканини билган эдилар-ку. Жонларини нақадар ёмон нарсага** (яъни охиратдаги маҳрумликка) **сотганларини билсалар эди**», дейилган (Бақара, 102).



Ҳадиси шарифларда сеҳр қилувчи коҳин ва кўзбўямачиларнинг иши катта гуноҳ экани айтилади. Расулulloҳ (соллalloҳу алайҳи ва саллам): «Уч тоифа одамлар бор, улар жаннатга киришмайди: маст қилувчи нарса ичишга одатланганлар; қариндош-уруғлари билан алоқани узганлар; сеҳрни тасдиқловчилар», деб огоҳлантирганлар (Имом Аҳмад ва Ҳоким ривояти).

Одатда қалбини ҳасад, адоват эгаллаган кимсалар сеҳр каби ёмон ишларга берилишади. Темирни занг қанчалик чиритса, ҳасад ҳам имонни шундай емиради.

Хайруллоҳ ТОҒАЕВ,
Тошкент шаҳри «Пулемас ота»
жомеи имом-хатиби



Оила чиройли, хушбўй гул каби меҳр ифори билан фарзандларни бағрига чорлайдиган бир макондир. Унинг қаноқ тафти чарчаган вужудларга роҳат, толиққан

росати ва шуури билан ҳал қилишга уринганида марварид бўлади аёл...

Оила марвариди қимматли вақтини беҳуда гийбатларга, ўринсиз орзу-ҳавасларга, ортиқча зебу зийнат тўплашга сарфламайди. Фарзандларини яхши инсон қилиб тарбиялашга, эрининг кўнглини обод қилишга, рўзғор ишларида

ОИЛА МАРВАРИДИ

онларга дам беради. Жаннат боғчаларидан бир боғча каби инсон доимо унга интилади, шошилади. Бу назарий ифода амалий кўриниш ҳосил қилиши учун фақат биргина марварид лозим. Унинг аҳамияти ва масъулияти шу қадар нозикки, у асл қиёфасида намоён бўлсагина, оила гулшани ҳақидаги орзуларга етишиш мумкин. Бу асл марварид — бека, она, келин, қиз, яъни АЁЛдир.

Аёл қачон оила марваридига айланади? Оилада бирор етишмовчилик бўлса, **“Аллоҳ сабрлилар билан биргадир”** (Бақара, 153) ояти қаримасини ёдда тутиб, қошни чимиридан воз кечганида, ширин сўз билан эрининг кўнглини кўтариб, ишларига барака тилаганида. Шунингдек, мўл-кўлликда шуқр қилишни билиб: “Аллоҳ шуқр қилувчиларни севади”, қоидасини оила аъзолари қалбига сингдиролганида марваридга айланади. Оила бошига синов, ташвиш келса, ечимини мўмина фа-

уддабуронлик ва оқиллик билан иш юритишга уринади. Ҳаётнинг ҳар дақиқаси ганиматлигини, фарзандларига тарбия бериб қолишга улгуриш кераклигини ўйлайди. То улар қариганида юзига “Уфф!” эмас, “Лаббай” дейдиган фарзандлар бўлиб етишишсин. Яхши ишлари ва дуолари билан ажодлар руҳини шод этишсин.

Икки дунёлари обод бўлишини истаган ҳар аёлга, оилангиз марвариди бўлинг, деймиз. Оила бошлигингиз ишдан ҳориб келганида табасум ва ширин сўз билан кутиб олинг, оиладаги кам-кўстларни дарҳол айтиб, ўзингиздан бездирманг. Қайинбўйинларингизни келин сифатида ҳурмат қилинг. Фарзандлар келажагимиз эканини ёдда тутиб, билим ва ҳунар ўргатинг.

Розия ШОДИЕВА,

*Хадичаи Кубро аёл-қизлар
Ислому ўрта-махсус
билим юрти мудираси*

БОЛА БИЛАН ТЕЛЕВИЗОР

Кўп телевизор кўриш боланинг соғлигига зарар. Экрани ёруғи кўриш қувватини заифлаштиради. Айниқса, хона қоронғи бўлса, кўзига кўпроқ зарар етади. Айрим болалар телевизор кўраётиб, диққатини фақат битта тасвирга қаратишади ёки мук тушиб, ётган ҳолда кўришади. Бундай ҳолат давомли бўлса, кўзлари тез толиқадиган, ҳатто гилай бўлиб қолиши мумкин. Телевизор олдида кўп ўтирадиган боланинг ҳаракатсизлик боис вазни ортади. Энг ёмони, ялқов бўлиб қолади.

Айниқса, жангари филмларнинг бола руҳиятига катта салбий таъсири бор. Бундай кинолар томошасидан кейин бола яхши ухлаёлмайди, кўрқиб чиқади, тажанг бўлиб қолади, дарсларни ёмон ўзлаштиради, машғулларга жиддий ёндашмайди, ҳатто уй юмушларини ҳам ўлда-жўлда бажаради. Танбаллик ва тартибсизликка одатланади.

Телевизор кўришга муккасидан кетган болада китоб ўқишга, илм-ҳунар ўрганишга қизиқиш суст бўлади. Бола маънан ва руҳан чегараланиб қолади. Телекўрсатувлар ҳамиша ҳам боланинг ёшига мос келвермайди. Бу ҳол уни руҳан чарчатади.

Ота-оналар фарзандларига маълум вақтлардагина телевизор кўришга рухсат беришлари ва бу жараёни қаттиқ назорат қилишлари шарт. Болангизнинг кўпроқ очик ҳавода бўлишига имкон беринг, табиатни севишга ўргатинг.

Албатта, яхши кўрсатувларни меъёрида кўриш фойдали. Мултфилмлар, тарихий, одоб-ахлоқ мавзудаги кўрсатувларнинг бола тарбиясига ижобий таъсири бор. Болалар зарур ахборотларни ўзлаштиришади, керакли билимларга эга бўлишади. Яна таъкидлаймиз, албатта, меъёрга амал қилиш керак.

Зебунисо ҲУСАЙН қизи
тайёрлади.



«ОФИЯТ КУНЖИ МАНГА ЭРДИ МАҚОМ...»

Ушбу ғазал улуғ шоирнинг “Фавойидул кибар” (“Кексалик фойдалари”) девонидан ўрин олган.

Эй хуш улким, офият кунжи

манга эрди мақом,

Сураи Вашшамсу Валлайл эрди

вирдим субху шом.

Бу байт мазмунини тушуниш учун айрим сўзларни ажратиб олсак: “офият” – соғлик, тинчлик, фароғат; “кунж” – бурчак; хилват жой, “вирд” эса тилдан қўймай қайта - қайта ўқиш, такрорлаш дегани. Байтнинг мазмуни бундай: Бир муддат тинч ва фароғатли масканда, тур-



ли ташвишлардан узоқда бўлдим ва эртаю кеч Вашшамс, Валлайл сураларини такрор-такрор ўқидим. Ўша кунлар кўнглим қандай хушбахт эди-я...

Шоир Аллоҳ ёди ва Қуръон тиловати билан қалби файз ва таскин топган хотиржам кунларини қўмсаётир.

Субҳ андин хилватимга

нафҳаи Рухул Қудс,

Шом мундин кунжи фақрим

равзаи доруссалом.

Биринчи байтда “субҳ”, “шом” сўзлари ёнма-ён қўлланган эди. Энди эса улар бири-бирдан айри ҳолда келмоқда. Ахир, завқ кўнгилга инган файз ҳам тонгда бошқача, шомда бошқача бўлади-да...

Бу ўринда: “нафҳа” – нафас; “фақр” – кулба; “равза” – боғ; “доруссалом” – жаннат маъносида, “Рухул Қудс” – Жаброил (алайҳиссалом).

Аллоҳнинг каломини тонгда ўқисам, хил-

ват масканим файзга тўлади, гўё Жаброилнинг (алайҳиссалом) нафаслари келиб тургандек туюлади, шомда ўқиганимда эса, оддий кулда эмас, худди жаннат боғларидан бирида ўтиргандай бўламан.

Сайди субҳам донаси бирла

малоик кушлари,

Анда қўймай риштаи зуҳду

риёи бирла дом.

Бу байтда шоир ҳеч бир риёга йўл қўймай, чин ихлос билан тоат-ибодат этиш фазилатини улуғламоқда. Ошкора зуҳд, риё билан тоатимни бошқаларга кўз-кўз қилиш истасим йўқ, чунки тасбеҳим донаси билан фаришталарни қуш каби ов қилмоқдаман. Яъни, амалларимни Аллоҳ кўриб, фаришталар кузатиб туришибди, шу менга етарлидир...

Не бировнинг қомати

раъносидан нолам бийик,

Не кишининг ғамзаи

жодусидан уйқум ҳаром.

Не ичимда лоларуҳлар

ишқидан қонлиғ туган,

Не бошимда сиймбарлар

васлидан савдои хом.

Ҳам кўнгулдан нозанинлар

суҳбати бўлгон унут,

Ҳам назардан маҳжабинлар

сурати бориб тамом.

Ушбу уч байтнинг маъноси бир-бирига яқин. Улуғ шоир ёши бир жойга бориб, раъно қоматли гўзаллар иштиёқи сингари дунёвий ҳой-ҳавасларга кўнглида асло ўрин қолмаган лирик қаҳрамоннинг ҳис-туйғуларини баён этади. Унинг қалби энди лоларуҳлар ишқидан ўртанмайди, у нозанинлар суҳбатини унутган, ой юзлар суратини дил лавҳидан ўчирган...

Кейинги уч байтда ҳам бир-бирига яқин, узвий боғлиқ маънолар ифодасини кўрамиз:


Ногаҳон шоҳ базмида

жонимга тушди офате,

Мен ўзимдан бордим, ул

билмам қаён қилди хиром?





**Хуш кетди, ақл итти,
қолмади жону кўнгул,
Ишқ чекти зуҳд ила
савдоларимга интиқом.**

**Тушмиш ўт жонимга ул
дамдин бери ул наъвким,
Жон бериб ўлмакни топмон,
айлабон юз ихтимом.**

Бизнингча, ушбу мисраларда илм-маърифат йўлчисининг турли ҳолатлари акс эттирилган. Бу ўринда “шоҳ”дан мурод комил муршиддир. Илм талабидаги йўлчи кўнглига комил пир суҳбатида илоҳий бир файзга етишади. Бу ҳолат таъсирида у ўз нафсининг турли хуружларини унутади, руҳи юксак парвозларга шайланганини, кўнглида эса маърифатуллоҳ, чинакам муҳаббат ин қурганини сезади. “Ихтимом” ишташ, орзу қилиш маъносида. Бу байт ошиқ кўнглида маъшуққа етиш иштиёқи жўшқинлигидан сўзлайди..

**Ёр ғойиб, дард муҳлик,
халқ ғофил, найлайн,
Фаврима ким етгай, илло
шоҳи гардун ихтишом!**

“Навоий асарларининг изоҳли луғати”да “муҳлик” – ҳалокатли; “фавр” – чуқурликнинг туби, нарсанинг ҳақиқати, дил тубидаги нола-фарёд, “ихтишом” – дабдаба, ҳашамат, буюклик маъноларида келиши ёзилган бўлса, “Ғиёсул луғот”да “ихтишом”нинг ҳаё, камтарлик каби маънолари ҳам келтирилган. Демак, “ихтишом” сўзи бу ерда Яратганнинг икки улуғ сифатини ифода этяпти: Аллоҳ таоло буюклик ва қудратда тенгсиз, ягона, шу билан бирга, мислсиз ҳаё, чексиз раҳмат-марҳамат соҳиби ҳамдир.

“Ёр ғойиб” дейиш билан шоир Аллоҳ таолони бу дунё кўзи билан кўриш иложсизлигига ишора этяпти. Алишер Навоий бошқа тавҳид ғазалларида ҳам Яратганнинг бу улуғ сифатини маҳорат билан қаламга олган:

**Сени топмоқ базе мушкулдурур,
топмаслиғ осонким,
Эрур пайдолиғинг пинҳон
вале пинҳонлиғинг пайдо.**

Биз шарҳлаётган байтни қуйдагича тушуниш ҳам мумкин: “Ёр”дан мурод Расулуллоҳдир (соллаллоҳу алайҳи ва саллам). Ҳазрат Навоий бир умр Каъбани тавоф, Пайғамбаримизнинг (алайҳиссалом) муборак равзаларини зиёрат қилиш умидида яшаганлар. Ҳаз-

рат айтмоқчилар: “Ёр олисда, унга етиш иштиёқи беҳад кучли, аммо бу дардимни ғофил одамларга айтолмайман. Бас, шундай экан, қалбим тубидаги оҳимга буюк Аллоҳдан бўлак ким ҳам етарди?!”

Охирги байт мазмунидан улуғ шоирнинг айна шу ниятни назарда тутгани янада ойдинлашади:

**Эй Навоий, шоҳдан дардинг
иложи бўлмаса,
Бош олиб кетгил, уриб авворалиг
даштини гом.**

Бу байтда “шоҳ”дан мурод Хусайн Бойқаро. Ҳазрат Навоий муборак ҳаж сафари, Равзаи шариф зиёратига рухсат сўраб, Хусайн Бойқарога такрор-такрор мурожаат қилгани маълум. Тарихчи Мирхонд “Равзатус сафо” асарида бундай ёзади: “...Низомиддин Алишер кўп вақтдан бери... барча муродининг боши деб билиб, Ҳижоз тарафига боришни ва ҳаж қилиб, Пайғамбарнинг (алайҳиссалом) муқаддас равзасини зиёрат қилишни истар эди. Аммо ҳар сафар зиёрат қилиш ҳақида хилофат масир тахт поясида рухсат сўраб сўз очганида, хоқони Мансур ...рухсат бермас эди”.* “Гом урмоқ” - қадам қўймоқ, кез-



моқ маъносида. Овворалик дашти поёнсиз бўлса ҳам, муҳаббатинг чин экан, парвонадек кеза-кеза, маъшуқ сари яқинроқ боришинг мумкин. Хуллас, Ҳазрат Навоий бу байтда шоҳдан дардимга илож бўлмаса, яъни муборак сафарга рухсат тегмаса ҳам, кўнглимда Расулуллоҳ (алайҳиссалом) севгилари кучайса-кучаяди, асло сўнмайди, демоқчилар.

Рустам ТУРСУНОВ

* “Навоий замондошлари хотирасида”. Т., 1985, 55–56-бетлар.



ХИТОЙДА ИСЛОМ ТАРИХИ

Илк бор Расулуллоҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) буйруқлари билан тўрт саҳоба ҳозирги Хитой ерларига келган, улардан бири Саъд ибн Абу Ваққос (розийаллоҳу анҳу) милодий 627 йили Кантон шаҳрида бир минора қурдирган эди. Хитой ҳудудида илк масжидни эса Саъд ибн Лабид ал-Ҳабаший барпо эттирган.



Кейинги асрларда Хитойнинг Гуанжу, Сюанжу, Ханжу каби шаҳарларида ва бошқа халқаро тижорат марказларида асосан араб ва форс савдоларидан иборат мусулмон жамоалари шаклланади. Уларнинг савдо карвонлари бу мамлакатга қандолат, зираворлар, қаҳрабо олиб келишар, бу ердан ипак, чинни ва чой ортиб кетишар эди. Шунингдек, хитойликларнинг компас, қоғоз, борут (порох) каби ихтиролари ўша савдо карвонлари туфайли дунёга ёйилди. Хитойга келиб, ўтроқ яшаб қолган мусулмон савдогарлари

ҳам оз эмасди. Уларнинг фарзандлари хитойлик илк мусулмонлар бўлишди. Уйғур, салар, ўзбек, қозоқ, қирғиз, татар каби маҳаллий туркий халқлар, шунингдек, тожиклар орасида Ислом кенг ёйилди. Дунсянлар, баоанлар, хуэйларнинг ҳам кўплари мусулмон бўлишди.

Кундалик яқин муносабатлар туфайли мусулмонлар турмушига

хитой тамаддунидан айрим белгилар кириб ўрнашди. Мусулмонлар хитойчани ўрганишди, хитойча исм кўядиган, хитой кийимларини киядиган бўлишди. Хитой меъморлиги услубларида масжидлар қурилди.

XX аср бошида “Хитой Ислом уюшмаси” ташкилоти тuzилди. Унинг номи 1924 “Хитой мусулмонлари маданият маркази” деб ўзгартирилади.

Ушбу ташкилот Хитой мусулмонларини ягона жамоага бирлаштиришга, исломий таълимни ривожлантиришга катта эътибор берди. Пекинда мусулмонларнинг “Имон ёғдуси”, шунингдек, “Шанхай мусулмонлари” журналлари чоп этила бошланди. Бу нашрларда кейинчалик машҳур бўлган Элия Ванг Чин Шай, Муҳаммад Янг Чанг Минг, Ма Ши Ён каби таниқли маърифатчиларнинг асарлари чоп этиларди.

1930 йилги маълумотларда

Хитой мусулмонлари сони ортиб, мамлакатда минглаб масжидлар ишлаб тургани, Курьони карим маънолари хитой тилига таржима қилингани қайд этилади.

Шинжон – Уйғур ўлкасидан ташқари, Нинся ва Хэбэй, Сиан ва Юниан, Гуйжу ва Фузизян ҳамда Гуандун музофотларида, шунингдек, Хайнан оролида ҳам қадимдан жуда кўп мусулмонлар истиқомат қилиб келишади.


ИҚЛИМ ИСИШИГА ДОИР

Бангладеш президенти Зиллур Раҳмон мусулмон мамлакатлари вакиллариининг Истанбул (2009 йил нўябр) учрашувида Ислом Конференцияси Ташкилотини иқлим ўзгаришларига қарши курашда етакчи бўлишга чақирган эди.

Маълум бўлишича, Форс кўрфази мамлакатларида ҳавога зарарли углерод гази чиқариш кўрсаткичлари анча юқори экан. Халқаро энергетика агентлиги маълумотларига кўра, бир йилда аҳоли жон бошига Қатарда 58, Бирлашган араб амирликларида 29,9, Баҳрайнда 28,2 тонна зарарли углерод ҳавога чиқарилар экан. Бу борада АҚШдаги ҳолат 19,1, Бангладешда эса бор-йўғи 0,25 тоннани ташкил этади.

“Қора олтин”га бой араб мамлакатлари ҳукумат доираларининг нефт истеъмолини камайтириш чораларини кўрмаётгани аҳволни янада қийинлаштиради. Ҳолбуки, иқлим исиши Яқин Шарқ минтақаси учун жуда хавфлидир: Миср билан





Ироқ орасидаги ҳосилдор ерларда деҳқончилик қилиб бўлмай қолиши мумкин.

Бирлашган Миллатлар Ташкilotининг нуфус масалалари бўйича муассасаси (UNFPA) ҳисоботига кўра, араб мамлакатлари аҳолиси 15 фоизининг ичимлик



суви олиш имкониятлари чекланган. Сув танқислигига иқлим ўзгаришлари ҳам қўшилиб, минтақада озиқ-овқат етиштириш икки баравар камайиб кетиши мумкин.

UNFPA, шунингдек, тараққиёт ва атроф-муҳит муаммолари бўйича Ливан Араб тўплантиси мутахассислари ҳам Араб Лигаси мамлакатлари ҳукуматларини кучларни бирлаштириб, зудлик билан табиий хавфнинг олдини олиш, асоратларини енгиллатиш бўйича чора-тадбирлар кўришга чақирди. Уларнинг фикрича, нефт қазиб олувчи мамлакатлар, йирик компаниялар “қора олтин” савдоси туфайли жуда катта маблағларни тўплашди. Бу маблағлар яна нефт қазиб олишни кўпайтиришга ётқизилмоқда ёки йирик шаҳарлардаги банк ҳисоб рақамларида ҳаракатсиз турибди.

Иқлим исишига асосий сабаб бўлаётган зарарли газлари нефт маҳсулотларини ёқиш жараёнида ҳавога ажралиб чиқади. Шундай экан, нефт сотувчи ширкатлар ялпи иқлим исишидан жабр кўраётган мамлакатлар халқлари олдида маънавий мажбурият ҳис этишлари, Малдив ороллари ва Бангладеш каби, иқлим ўзгаришларининг олдини олиш бўйича шошилинч чора-тадбирлар кўришлари керак.

БАХТЛИ БЎЛИШ УЧУН

Чинакам бахтли бўлиш учун илмдан орттирилган фазилат керакми? Шубҳасиз керак! Ақл туфайли ҳосил қилинган феъл-атвор зарурми? Албатта зарур! Молу мулкдан зиёда саломатликчи? Бегумон шарт! Ҳаё-чи? Мурувват, садоқат, тавозе, меҳнат-чи? Сахийлик, номус, омонатга вафо, ҳилм ва шижоат-чи? Керак! Булар ва булар каби яна ўнлаб фазилатлар сон-саноксиз керак!

Адоват, ҳасад, такаббурилик, ёлғончилик, мунофиқлик, чақимчилик, хиёнат, жоҳиллик, ялқовлик, бахиллик ва булар каби яна ўнлаб иллатлар-чи? Аллоҳ сақласин! Буларнинг биттаси ҳам кўплик қилади, чунки булар бахтсизликнинг ҳомийларидир!

Анас ибн Молик (розий-аллоҳу анҳу) шундай деган экан: “Бадбахтлик тўртта: кўзнинг қуруқлиги, қалбнинг қаттиқлиги, орзу-ҳаваснинг узунлиги ва дунёга ҳирс қўйиш”

Валий зот Тустарийдан сўрашди:

– Бадбахтлик аломати қайсилар?

– Илмли бўлатуриб, амал қилмаслик. Амал қилатуриб, ихлосли бўлмаслик. Аллоҳ таолонинг берганига рози бўлмасдан, бошқа нарсалар ортидан қувмоқ. Фозил инсонлар суҳбатига қўшилмаслик.

– Эй кўнгил! Сен ўзгалар

бахти учун хизмат қил, шунда ўз бахтингни топасан. Бировнинг шодлиги ва бахти учун қанчалик хизмат қилсанг, ўзинг ҳам шунчалик бахтга даъвогар бўлишинг мумкин. Инсон нима учун азизу мукаррам саналади? Ўзгаларнинг бахтсизлигини ўз бахтсизлиги деб санагани учун эмасми?

Бахт фақат бойликда деб ҳисобловчи кимсада, албатта, кибр бор, бахиллик, хиёнат, риё... бор. Бу ёмон хулқлар эгаси ўзини бахтли санаши, саодатга етишмоқни умид қилиши гоят кулгили, ҳатто ачинарли эмасми?

Кимда-ким бахтидан айрилиб қолса, бировлардан айб изламасин.


“Оҳ, қанчалик бахтиқаромана!” деб бошини

тошларга урмасин-да, зикр этилган шартлардан қай бирини ба- жармага- нини аниқ- ласин. Ва ҳамиша ёдда тутсинким, ўз хоҳиш ва истакларининг чегарасини билмасликдан ортиқ бахтсизлик бўлмайди.

Ёши катталарни ҳурмат қилган одам улардан яхши дуо олади. Дуо бахт саройининг эшигини очувчи калитдир.

Тоҳир МАЛИК

(“Одамийлик мулки” китобидан)



БИР ТУП ЎРИК

Баҳор келиб, боғларимизга кўчат экиш бошланди. Бозорларимиздан истаган кўчатни топса бўлади. Аммо баъзан одамларнинг “Бозордан олувдим, сотувчи айтганидек чиқмади”, деган сўзларини эшитамиз. Аслида мевали дарахт данагидан экиб, кейин улаб, яхши кўчат етиштириш қийин иш эмас.

Масалан пишган ўриклар терилиб, данагидан ажратилади ва салқин жойда қуритилади. Кейин латта халталарда сақланади, елим халта ярамайди. Ёз охирлагач, данаклар қум билан аралаштирилиб, олдиндан қазилган ўрачага ташланади. Қум қуриб қолмаслиги учун вақти-вақти билан сув сепилади.

Унмоқчи бўлиб ёрилган данакларни кузда, баҳорда экиш мумкин. Агар данаклар ўктабрнинг охири, нўябрнинг бошларида кўмилса, янада яхшироқ. Бунинг учун мўлжалланган жойлар сифатли чопилиб, текисланади. Атрофига қозиқ қоқиб, арқон тортилади. Ариқчаларга данаклар ораси ўн-ўн икки сантиметр қилиб жойлаштирилади. Сўнг устига тупроқ тортилиб, озгина қипиқ сепилади. Гўнг солиш мумкин эмас.

Март-апрел ойларидан униб чиқаётган ниҳолларга қаров бошланади. Бегона ўтлар юлиниб, атрофлари юмшатилиб, ўз вақтида суғориб турилади. Бир йил ўтгач, кўчатимиз илдиз отиб, маҳкам ўрнашиб олганидан кейин улашга киришилади.

Улашнинг бир неча турлари бор. Масалан, кузги улаш икки хил, “куртак” ва “найча” деб аталади. Юртимиз шароитида “куртак” улаш кўпроқ қўлланади. Улаш учун яхши навли, серҳосил, касалланмаган дарахтлардан бир йиллик, гулламай-



диган новдалар кесиб олинади ва сирланган идишга солиб, ювилади. Новдаларнинг барглари ярим сантиметр қолдириб қирқилгач, яна ювилади. Кейин тузли сувда чайиб олинади. Танлаб олинган новданинг пастки ва юқори қисмидан кесиб ташланади. Қаламчалар сувли идишда, салқин жойда бўлиши шарт. Новдаларни уламай учтўрт кундан ортиқ сақлаш мумкин эмас.

Улаш учун ўткир пичоқ билан кўчат танаси “Т” ҳарфи шаклида кесилиб, пўстлоғи танасидан озгина ажратилади. Қаламчадан куртак олинади ва “Т” шаклидаги кесма ичига жойлаштирилади. Кейин сувқоғоз бойлоғичлар билан куртакнинг тепаси ва пастидан маҳкам боғланади. Уланган кўчатни шу заҳотиёқ суғориш керак. Тахминан бир ойдан сўнг бойлоғичлар ечилади.

Эрта баҳор, кунлар исиши билан кўчат уланган жойининг тепароғидан қирқиб ташланади. Шундан кейин яна кетма-кет сув берилади.

Уланган жойининг пастидан чиққан новдалар кесиб турилади. Кўчатлар яхши ривожланиши учун маҳаллий ўғит суюлтирилиб, сув билан оқизиб берилса яхши.

Кўчатнинг бўйи бир метрга етганида энг устки қисми чимталанади. Шундай қилинса, кўчат тез шохлайди. Шоҳчалардан соғлом, бақувват уч-тўрттаги қолдирилади.

Доимий жойга ўтқазилган учун кўчатларни нўябр ойидан қазиб олишни бошлаш мумкин. Кўчатлар қазилишидан ўн кунча олдин аввал яхшилаб суғорилса, кўчиришда илдизларига зиён етмайди.

Кўчат ўтқазилганда энг олдин кавланган чуқурларга сув қуйилади. Кўчат учлари бир оз қирқиб ташланади. Уланган жойи шимол тарафда, тупроқдан ташқарида бўлиши керак.

Янги экилган кўчат атрофи тез-тез юмшатиб турилади. Албатта, тагига чиринди ёки гўнг ташлаш керак. Чунки ағдарилган ер қуриб, намликни йўқотади. Натижада кўчатга азот етишмай қолади. Чиринди ердаги намликни узоқ сақлайди. У қизишиб газ ва сув буғларидан иборат яхши озуқа бўлади. Ерда намлик катта бўлиши ҳам унинг гўвлаши ёки қуриб қолишига сабаб бўлади. Бундай ҳолатда ота-буваларимиз мевали дарахтлар тагига узоқ вақт кўёш нурига тўйинган пахса девор бўлақлари ёки гуваларни кўмишиб, намликни қочиршиган.

Уч-тўрт ёшга етган ниҳолларга шакл берилади. Шакл бериш мевали дарахтларнинг турларига қараб бажарилади. Масалан, ўрик шоҳлари кесилганида бошловчи, яъни энг ривожланган марказдаги шоҳлари бошқаларидан камроқ қирқилади. Шафтоли кўчатини эса бўйи тахминан бир метр бўлса, барча шоҳларини бир хилда кесиш мумкин.

Мақсудбек АЛИМБЕКОВ,
боғбон

